

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

З.М.БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси

Қўлёзма ҳуқуқида


УСМОНОВ БЕГАЛИ МАХАММАЖОНОВИЧ

**Жиноят ҳуқуқида бир қанча жиноятларни содир этиш
ҳолатлари.**

5141500 “Миллий ғоя: Маънавият асослари ва Ҳуқуқ талим йўналиши
бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Иш раҳбари : юридик фанлари
номзоди Р.Имамов



Андижон – 2014

МУНДАРИЖА

Кириш 3-7

I. БОБ. Жиноят ҳуқуқида бир қанча жиноят учун жазо тайинлаш тушунчаси ва тартиби. 8

I.1. Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришда, бир қанча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш масаласи 8-19

I.2. Жиноят ҳуқуқида бир қанча жиноят тушунчаси ва шакллари.. 20-31

I.3. Жиноятлар мажмуи бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлашнинг асоси сифатид..... 32-40

I.4. Бир қанча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлашнинг умумий шартлари..... 41-44

II. БОБ. Бир қанча жиноят содир этганлик юзасидан жазоларни тайинлаш тартиби...... 45

II.1. Бир қанча жиноят учун жазо тайинлаш..... 45-53

II.2. Бир хил ва турли хил жазо турлари назарда тутилган жиноятлар учун жазо тайинлаш тартиби..... 53-58

II.3. Бир қанча жиноятлар юзасидан қўшимча жазо тайинлаш тартиби..... 59-62

III. БОБ. Бир қанча жиноят содир этганлик бўйича жазо тайинлашнинг бир қанча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашдан фарқи. 63-66

Хулоса 67-71

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати72-74

КИРИШ

2008 йилда бошланган ва бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига баҳо берар экан, кўпгина халқаро эксперт ва мутахассислар бу инқирознинг сабаблари ва янада авж олиши билан боғлиқ прогнозларида жавоблардан кўра кўпроқ саволларга дуч келишмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва хатарларига муносиб қарши туриш, унинг иқтисодиётимизга салбий таъсирининг олдини олиш имконини беради.

Айни пайтда бу дастур инқироздан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратади¹.

Республикамызда амалга оширилаётган ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий йўналишлардаги барча ислохатлар ўз моҳиятига кўра инсон манфаатларини атрофлича таъминлашга қаратилган. Шу, жумладан жиноят қонунчилиқда амалга оширилаётган давлатсиёсати ҳам биринчи галда ҳар бир шахс манфаатларини қонун асосида одилона ҳимоя қилишни ўз олдиша мақсад қилиб қўйган. Зеро, қонунлар барча учун бир хил маъно касб этмоғи лозим. «Қонунларни ҳурмат қилиш ва унинг талабларини бажариш ҳар бир кишининг шахсий эътиқодига айланиши керак. Қонунчилик ва ҳуқуқ - тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди»².

Давлатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш учун кенг имкониятлар яратилганлиги жиноят қонунчилигида ҳам ҳуқуқий муносабатларни жамият манфаатларига мос равишда такомиллаштиришга йўл очади.

Мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида, шунингдек, фуқароларни қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида 2007 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари бутун дунёда улкан қизиқиш ва эътибор уйғотди. Мазкур чора-тадбирларнинг

¹ И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент, 2009 йил март, 1-бет.

² И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» Тошкент «Ўзбекистон», 1992 йил 17 – бет.

жорий этилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг инсонпарвар, либерал жиной жазо тизимларидан бири яратилди.

Демократик ислохотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича ҳам кўп ишлар амалга оширилди.

Кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларнинг очиклиги ва ошкоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини ошириш, медиа маконга илғор ахборот-коммуникация технологияларини бевосита жорий этишга қаратилган қарийб 10 та қонун ҳужжати қабул қилинди³.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ўзининг ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суюққасд қилиш энг оғир жиноятдир, - дейилади. Шунингдек, Конституциямизнинг 26 – моддасида «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ошкора кўриб чиқилиб унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Суда айбланаётган шахсга ўзини химоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади»⁴, - деб кўрсатилган.

Битирув малакавий ишининг долзарблиги.

Одил судловни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ва жиной-ҳуқуқий тушунча сифатида эътироф этилган бир қанча жиноятлар юзасидан жазо тайинлашнинг ўзига хос илмий-назарий муаммоларини очиқ бериш жиноят ҳуқуқида долзарб муаммолар жумласига киради.

Жиноий жазо жиноят содир қилишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чораси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ жиноят учун жазо тайинлаш фақат судга тегишлидир. Шунга кўра айбдор шахсларга жазо тайинлаш суд фаолиятининг масъулиятли вазифаси бўлиб, кўп ҳолларда у шахснинг кейинги ҳаёт йўлини хал қилади. Асоссиз равишда тайинланган оғир ёки енгил жазо қонунда кўрсатилган мақсадга эришишда бирор натижа бермайди. Аксинча шахснинг янги-янги жиноятлар содир этишига сабаб бўлиши мумкин. Бу борада бир қанча жиноят содир қилганлик учун тайинланган жазоларни адолат мезони асосида қўшиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зотан ҳуқуқшуносликнинг муҳим институтларидан бири ҳисобланган бир қанча жиноят содир этиш тушунчаси илмий назарий жиҳатдан тўлиқ асослантирилмаганлиги боис амалиётда бир қатор хатоликларга йўл қўйилмоқда. Бу эса амалиётдаги ЖК да қатъий қилиб белгиланган. Одиллик, демократизм, инсонпарварлик, қонунийлик каби принципларнинг бузилишига олиб келади. Юқоридаги

³ И.А.Каримов. Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада оширишдир. Тошкент «Ўзбекистон», 2010 йил 6 – бет.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Тошкент «Ўзбекистон» 2008, 26-27 бетлар.

ҳолатларни бартараф этиш учун бир қанча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш борасида чуқур илмий – назарий тадқиқот ишлари олиб бориш керак.

Битирув малака ишини илмий ўрганилганлик даражаси. Бир қанча жиноятлар юзасидан жазо тайинлаш мавзусининг ўрганилганлик даражаси у қадар юқори бўлмасада ҳуқуқшунослик фани соҳасининг мутахассислари, ҳуқуқшунос олимлар ва амалиёт вакилларининг тадқиқотларида кузатиш мумкин. Ушбу соҳада ўзининг назарий фикрларини рус олимларидан Разумов С.А, Горелик А.С, Михайлов, Максимов С, Юшков Ю, Закутский, Ераксин В.В, Панко П.А, Гришанин П.Ф ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида, асарларида, илмий мақола ва чиқишларида билдирганлар. Аммо ушбу мавзу ўзбек ҳуқуқшунос олимлари томонидан илмий ўрганилганлик даражаси бир мунча паст кўрсаткичга эга. Шунга қарамасдан ўзбек ҳуқуқшунос олимларидан юридик фанлар номзоди доцент М. Усмоналиев, Исмоилов И.К, юридик фанлар номзоди профессор Норбўтаев Э, юридик фанлар номзоди доцент М. Муқимова кабиларнинг илмий асарлари ҳамда илмий мақолаларида тадбиқ этилаётган муаммога тегишли жиҳатлар ёритилган.

Шунингдек мазкур мавзу бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК шарҳлар ҳамда Олий суди пленуми қарорларидаги тушунтиришларда бир қанча муаммолар ёритиб ўтилган.

Битирув малака иши мавзусининг асосий манбалари. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси, Жиноят Кодексига шарҳлар, Жиноят ҳуқуқи (умумий ва махсус қисмлар) олий суд пленум қарорлари, ҳуқуқшунос олимларнинг ушбу мавзу юзасидан чиқарган илмий асарлари ва бошқалар ҳисобланади. Бундан ташқари Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларнинг вақтли нашрларига муурожаат қилдим.

Битирув малака ишининг мақсади ва вазифалари. Ушбу битирув малакавий иши мавзусини тадқиқ этишдан кўзланган асосий мақсад содир этилаётган бир қанча жиноятлар учун адолатли жазо тайинлаш уларни тартибга солувчи жиноят ҳуқуқий нормалари такомиллаштириш ва уларни суд амалётида қўллаш юзасидан илмий асосланган тавсия ва таклифлар беришдан иборат.

Битирув малака ишининг ёзилиш услуби. Мазкур битирув малака ишини ёзиш давомида билишнинг қиёсий ҳуқуқ мантикий таҳлил қилиш умумлаштириш ва синтез қилиш шунингдек расмий юридик методлардан кенг қўлланилди. Бундан ташқари олий суд пленум қарорлари ҳамда Президент И.А.Каримов асарларидан фойдаланилди.

Битирув малака ишининг аҳамияти. Бир қанча жиноятлар юзасидан қонунда назарда тутилган шунингдек жавобгарлик масаласини ҳал этиш уларга жазо тайинлашга тегишли назарий масалаларни тадқиқ қилиш натижасида ушбу соҳада майян ютуқларга

эришиш, судлар томонидан жазо тайинлашда ушбу битирув малака ишида ишлаб чиқарилган тавсиялардан фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва хажми:

Ушбу битирув малакавий иши кириш, уч боб, олит параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

«Кириш» қисмида Танланган мавзунинг долзарбилиги, Битирув малака ишининг объекти, мақсади, унинг ёзилиш услуби, ахамияти, химоя қилиниши лозим бўлган масалалар ҳамда битирув малака ишининг хажми ва тузилиш баён этилган.

I. БОБ. Жиноят ҳуқуқида бир қанча жиноят учун жазо тайинлаш тушунчаси ва тартиби

I.1. Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришда, Бир қанча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш масаласи

I.2. Жиноят ҳуқуқида бир қанча жиноят тушунчаси ва шакллари

I.3. Жиноятлар мажмуи бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлашнинг асоси сифатида

I.4. Бир қанча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлашнинг умумий шартлари.

II. БОБ. Бир қанча жиноят содир этганлик юзасидан жазоларни тайинлаш тартиби.

II.1. Бир қанча жиноят учун жазо тайинлаш

II.2. Бир хил ва турли хил жазо турлари назарда тутилган жиноятлар учун жазо тайинлаш тартиби.

II.3. Бир қанча жиноятлар юзасидан қўшимча жазо тайинлаш тартиби.

III. БОБ. Бир қанча жиноят содир этганлик бўйича жазо тайинлашнинг бир қанча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашдан фарқи.

«Хулоса» қисмида мавзуни ўрганиш ва таҳлил этиш жараёнида юзага келган фирк ва мулохазалар ифода этилган.

I. БОБ. ЖИНОЯТ ХУҚУҚИДА БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ ТУШУНЧАСИ ВА ТАРТИБИ

I.1. Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришда бир қанча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш масаласи

2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси - бу ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборатдир⁵.

Юртимиз салоҳиятининг тобора юксалиб бораётгани, сўнгги йилларда ишга туширилган сўнгги замонавий қувватлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривож, тизимли равишда амалга оширилаётган ислохотлар ва иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, мамлакатимизда яратилган ниҳоятда қулай инвестиция муҳити бизга 2010 йилда қуйидаги режаларни белгилашга асос беради.

Ялпи ички маҳсулот ва саноат маҳсулотларини 108,3 фоизга, кишлок хўжалиги маҳсулотларини 105 фоизга ошириш, иқтисодиётга инвестиция киритиш ҳажмини ялпи ички маҳсулотта нисбатан 30 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Маҳсулот экспортини 8,5 фоизга оширишни таъминлаш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот улушини ошириш ҳисобидан унинг таркибини сифат жиҳатидан ўзгартириш вазифаси қўйилмоқда.

2009 йилга нисбатан бюджет-молия ва пул-кредит сиёсатини, биринчи навбатда, ресурслар ва энергияни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобидан тежамкорлик режимини янада қатъийлаштириш мўлжалланмоқда. Инфляция даражаси 7-9 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда.

Олдимизга қўйилган бундай мақсадларга эришиш, аввало, ўз имконият ва ресурсларимизни қай даражада сафарбар этишимизга, ҳамон катта хавфи сақланиб

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқоролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29- январь куни бўлиб ўтган мажлисидаги “Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” мавзуларидаги белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда киритилган ўзгаришлар тўғрисида.

қолаётган инқироз оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009 - 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни сўзсиз бажаришни нечоғли таъминлай олишимизга боғлиқ.

Бу эса Вазирлар Маҳкамасидан ҳар бир алоҳида йўналиш учун масъул бўлган ижрочилар томонидан ўзига юклатилган вазифаларни тармоқ комплекслари ва ҳудудлар бўйича амалга оширилишини қатъий ва тизимли равишда назорат қилишни тақозо этади.

Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини эътиборга олган ҳолда, банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда⁶.

Бу ўринда гап банкларнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини ошириш ҳақида бормоқца.

Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор - йнвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди.

Бу ўринда биз нафақат корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришни, балки бундан тижорат банклари қанчалар манфаатдор экани ва улар бу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан нечоғли фаол иштирок этаётганини ҳам кўзда тутамиз.

Бунинг учун тижорат банклари етарли капиталга эга, молиявий барқарор бўлиши лозим, бир сўз билан айтганда, улар йирик инвестиция институтларига айланиши даркор.

Тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари улушини ошириш бўйича қўрилган чоралар туфайли 3 йилдан ортиқ муддатга берилган кредитларнинг банклар кредит портфелининг умумий ҳажмидаги улуши ҳозирги пайтда 69 фоизга етди ва сўшш ўн йилда 28 баробар кўпайди.

Марказий банк ва Молия вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда банкларнинг жами капиталини 2010 йилда камида 20 фоизга ошириши, яқин икки йилда эса унинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан ҳажмини 10 фоизга етказиши лозим.

Бу борада банк хизматининг янги турларини жорий этиш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш маблағларини банкларнинг узоқ муддатли депозитларига жалб этишни камида 30 фоизга кўпайтириш, мамлакат иқтисодиётига киритиладиган узоқ

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқоролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29- январь куни бўлиб ўтган мажлисидаги “Асосий вазифамиз- Ватинимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” мавзуларидаги белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда киритилган ўзгаришлар тўғрисида.

муддатли кредит қўйилмалари улушини ички манбалар ҳисобидан ошириш учун мустаҳкам асос яратиш масалаларини қўшимча равишда ишлаб чиқиш талаб этилади.

Тижорат банклари фаолиятини баҳолаш мезонларини ўзгартириш зарур - бугунги кунда уларнинг ишини узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушининг ўсиши ва бунинг учун ички манбаларни жалб этиш нуктаи назаридан баҳолаш керак.

Шу ўринда ўз кредит портфелида 85 фоиздан зиёд узоқ муддатли кредитга эга бўлган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва 71 фоиз ана шундай кредитга эга бўлган «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятини алоҳида қайд этишни истардим. Бундай фаолият бошқа банклар учун ўрнатилган бўлиши лозим.

Тижорат банкларини зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси амалда ўзини тўла оқлади.

Ҳали ҳам эски техника ва технологиялар асосида ишлаётган, ҳеч қандай иқтисодий истиқболи бўлмаган корхоналарни тугатиш ва уларнинг негизида янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш даркор.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантиришни молиялашда тижорат банкларининг ролини кучайтириш бўйи-ча ишларни давом эттириш зарур.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига 2010 йилда кредит ресурслари ажратиш миқдорини 1,4 баробар қўпайтириш, мик-роккредитлар ҳажмини 1,3 баробар ошириш вазифаси қўйилмоқда.

Мамлакатимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни амалга оширишнинг муҳим устувор йўналишига айланиши лозим.

Шуни ҳолисона тан олиш керакки, бу йўналишда кўп ишлар қилинди ва салмоқли натижалар қўлга киритилди.

Изчил дастурни амалга ошириш натижасида 2009 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноат ишлаб чиқариши улуши 2000 йилга нисбатан 14 фоиздан 24 фоизга, транспорт ва алоқа соҳалари улуши 7,7 фоиздан 12 фоизга ошди, айти пайтда қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30 фоиздан 18 фоизга камайди.

Шу билан бирга, иқтисодиётимиз яқин йиллар ичида янада барқарор, ўзига бақувват, жаҳон ва минтақавий бозорларда рақобатдош бўлмоғи учун иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ҳали кўп иш қилиш лозимлигини ҳам биз ўзимизга яхши тасаввур этамиз.

Бу ўринда, мамлакатимиз ва минтақамиздаги мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда, газни қайта ишлаш, нефть-кимё, кимё саноати, энергетика, автомобилсозлик,

электротехника саноати, машинасозлик, фармацевтика каби замонавий соҳалар ва ишлаб чиқариш тармоқларини ва албатта, ахборот технологиялари ва телекоммуникация тизимларини жадал ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш, яқин келажакда рақамли ва кенг форматли телевидениега ўтиш ҳақида сўз бормокца.

Шулар қаторида, биринчи навбатда, енгил, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида пахта толаси, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқаришни, қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш, сифатли ва барқарор талабга эга бўлган тайёр маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Вазирлар Маҳкамаси қабул қилинган тармоқ дастурларини яна бир бор танқидий қайта кўриб чиқиши, уларга тузатишлар киритиш ва жадал амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриши лозим.

Бу борада қуйидагиларни эътиборга олиш даркор:

Биринчидан: корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва уларни кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, бу жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш зарур.

Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ишини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш лозим.

Шуни назарда тутиш керакки, кооперация алоқаларини ривожлантириш ҳозирги шароитда корхоналар ва иқтисодиёт тармоқлари фаолияти барқарорлигининг кучли омили, маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш ва энг асосийси - янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини кўпайтиришнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ўтган йили ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича ҳукумат қарорлари қабул қилинди, яхлит тизим яратидди, маҳаллийлаштириш дастурларини ишлаб чиқишга масъул бўлган идоралар

- Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг фаолият йўналиши ва ваколатлари доираси аниқ белгилаб қўйилди⁷.

Бу ишни мантиқий якунига етказиш, шакл-ланган ёндашув ва мезонларни ҳисобга олган ҳолда, амалдаги маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларни танқидий кўриб

⁷ Ўзбекистон Республикаси Призиденти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январь кунини бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқоролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29- январь кунини бўлиб ўтган мажлисидаги “Асосий вазифамиз- Ватинимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” мавзуларидаги белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда киритилган ўзгаришлар тўғрисида.

чиқиш ва бир ой муддатда 2010 йилга мўлжалланган маҳаллийлаштириш дастурини тайёрлаш зарур.

2010 йилда маҳаллийлаштириш асосида иш-лаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 40 фоизга ўсиши, шу борада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг улуши эса камида 12 фоизни ташкил қилиши лозим.

Иккинчидан: сўнгги йилларда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтириш, инфляция даражасини пасайтириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ялпи ва реал даромадлари сезиларли равишда ошди, унинг харид қobiliяти барқарор суръатда ўсиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили 2000 йилга нисбатан ўртача иш ҳақи 28,5 баробар, пенсияларнинг ўртача миқдори қарийб 18 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан пул даромадлари эса 12 баробар ошди.

Жорий йилда ҳам иш ҳақини камида 30 фоизга, реал даромадларни эса 23 фоизга ошириш мўлжалланмоқда. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига кирмайдиган, узок фойдаланишга мўлжалланган саноат товарларини харид қилиш бўйича харажатлари сезиларли даражада ўсди.

Бундай шароитда аҳолининг ўсиб бораётган тўлов қobiliяти билан мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ҳажми ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш, бундай маҳсулотлар турини кенгайтириш, бозорларимизни улар билан ишончли тарзда тўлдириб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Вазирлар Маҳкамаси шу масалага бағишланган ўз мажлисида қабул қилинган дастурлар ижросини танқидий баҳолаши, уларни жадал амалга ошириш ва ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, импорт товарларидан сифати юқори, нархи эса арзон бўлган маҳсулотлар билан тўлдириш, юртдошларимизнинг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш бўйича қўпшмча чора-тадбирлар қўриши лозим.

Учинчидан: аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бундай тармоқлар ташқи конъюнктурага ҳам, об-ҳаво шароитига ҳам боғлиқ эмас, яъни ташқи омилларнинг ўзгариши уларга таъсир кўрсата олмайди.

Айни пайтда бу хизматлар ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қўплаб турларига ички талабни оширади, шунингдек, истеъмол бозорида мутаносибликни сақлашда муҳим роль ўйнайди.

Буларнинг барчасини назарда тутган ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2009 йилдаги 47 фоиздан 2010 йилда 49 фоизга етказиш зарур.

Тўртинчидан: нисбатан барқарор ва бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган кичик бизнесни жадал

ривожлантириш масаласини ҳал этиш бизнинг шароитимизда ҳамон муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолмоқца.

Айнан шунинг учун ҳам биз 2010 йилда барча кичик бизнес корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 7 фоизга тушириш тўғрисида қарор қабул қилдик.

Ҳукумат, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини уларга кредит ажратишни сезиларли даражада кенгайтириш, уларнинг фаолиятига давлат органлари томонидан ноқонуний аралашув ва турли тўсиқлар қўйиш ҳолатларига йўл қўйилмаслик ҳисобидан қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириши шарт.

Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ўтган йилдаги 50 фоиздан 2010 йилда 52,5 фоизга етказиш вазифаси қўйилмоқца.

Бешинчидан: экспорт қилинадиган маҳсулотларимиз таркибини ва умуман, ташқи савдо айланмасини янада диверсификация қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқца.

Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хом ашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ қутулиб, тайёр рақобатдош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак.

Бу борада янги бозорлар, янги транспорт йўлақларини тоғшш, бир сўз билан айтганда, фаол маркетингга асосланган ташқи иқтисодий сиёсат юритиш зарур.

Биз 2010 йилда экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш масала-лари билан жиддий шуғулланишимиз керак. Шу муносабат билан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ҳар бир тармоқ бўйи-ча 2010-2012 йилларга мўлжалланган тайёр маҳсулотни янги ташқи бозорларга чиқариш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилади.

Бу дастурларда барча зарур чораларни, жумладан, маркетинг, молия ва ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалаларини назарда тутиш даркор.

Азиз дўстлар!

Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш - бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини

ривожлантиршга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат⁸.

2010 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ капитал қўйилмалар ўтган йилга нисбатан 22,1 фоизга ортиб, ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизини ташкил қилади. Бунда биргина ишлаб чиқариш соҳасига мўлжалланган инвестиция лойиҳа-ларини амалга ошириш учун барча капитал қўйилмаларнинг 75 фоиздан зиёди йўналтарилади.

2010 йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 миллиард АҚШ доллардан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўп хорижий инвестициялар жалб қилинишини эътиборга оладиган бўлсак, ўйлайманки, амалга ошириладиган лойиҳаларнинг қўлами ва салмоғи ўз-ўзидан аён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 46 фоизга ошади.

Бундай йирик лойиҳаларни, биринчи навбатда, инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун ички ресурсларни жалб қилишда мамлакатимиз-да 2007 йили ташкил этилган тикланиш ва тараққиёт фонди жуда катта ҳисса қўшди. Бугунги кунда бу фонднинг жамғармаси 3,7 миллиард долларни ташкил этмоқда.

Дунёдаги машҳур ва нуфузли компаниялар, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Жанубий Корея, Япония тараққиёт банклари сингари молия институтлари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондлари ва бошқа хорижий ташкилотлар юқори қўшимча қийматга эга бўлган, юксак технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бизнинг йирик ҳамкорларимиз бўлмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, иқтисодиётимизнинг етакчи ўринларга чиқиши учун Тошкент, Навоий ва Толлимаржон иссиқлик электр станцияларида буғ-газ мосламаларини қуриш, Сургил кони базасида полиэтилен ва пропилен ишлаб чиқарадиган Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш, поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқарадиган янги комплекс ташкил этишга қаратилган йирик лойиҳалар амалга оширилишини айтиб ўтиш лозим, деб биламан.

Шу билан бирга, Муборак газни қайта ишлаш заводи ва Шўртаннефтьгаз мажмуасида суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун пропан-бутан аралашмаси мосламаларини қуриш, Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси энергия блокларини

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январь кuni бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқоролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29- январь кuni бўлиб ўтган мажлисидаги “Асосий вазифамиз-Ватинимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” мавзуларидаги белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда киритилган ўзгаришлар тўғрисида.

қўмир ёқилғиси билан ишлаш тизимига ўтказиш, автомобиль кучланиш агрегатларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бошқа бир қатор муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш алоҳида истиқболли аҳамиятга эга эканини таъкидлаш зарур.

Бу лойиҳаларнинг барчаси ўтган йили, жаҳон мрлиявий-иқтисодий инқирозига қарамасдан, қабул қилинган 2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастурига киритилган.

Ушбу дастурга умумий қиймати 42,5 миллиард доллардан зиёд 327 та лойиҳа киритилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги бўйича молиялаш манбалари аниқ белгиланган ва инвесторлар консорциумлари шакллантирилган.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идора-ралар билан ҳамкорликда Инвестиция дастури рўйхатига киритилган стратегик аҳамиятга молик инвестиция лойиҳаларини, шунингдек, стратегик тармоқлар ва йирик корхоналарнинг узоқ муддатли техника сиёсати нуқтаи назаридан ишлаб чиқиладиган янги лойиҳаларни амалга оширишнинг муддатлари ва шартларини мувофиқлаштириш борасидаги ишларни фаоллаштириши даркор.

2010 йилда автомобиль йўлларини ривожлантириш учун Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 540 миллиард сўм, яъни ўтган йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий автомагастроли участкаларини қуриш бўйича Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида янги йирик лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Ушбу дастурларни амалга оширишдан кўзланган пировард мақсад - Европа ва Осиё ўртасидаги савдо оқимининг маълум қисмини мамлакатимиздаги транзит йўналишларига буриш ва шу асосда юртимизда транспорт ва транзит хизмати ҳажмини ошириш, мавжуд инфратузилма негизида логистика марказларини ташкил этиш, минглаб одамларни иш билан таъминлашдан иборат.

Вазирлар Маҳкамаси 2010-2015 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистрали йўналиши бўйлаб инфратузилма ва сервис тармоқларини ривожлантириш юзасидан қабул қилинган дастурнинг амалга оширилишини қатъий назоратга олиши даркор.

Ҳозирги вақтда темир йўл коммуникацияларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. 2010 йилда уларни модернизация қилиш учун 105 миллион доллардан кўпроқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган.

«Тошгузар - Бойсун - Қумқўрғон» темир йўл линияси ва шу йўналишдаги инфратузилма объектларида қурилиш ишларини якунига етказиш, «Янгиер - Жиззах» ва «Янгиер - Фарҳод» электрлаштирилган темир йўл линиялари қурилишини давом эттириш лозим.

Шу билан бирга, йўловчи ташиш локомотивлари паркини янгилаш, юк ташиш локомотивлари ва вагонларини модернизация қилиш ва қайта тиклаш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш даркор.

Жорий йилда Испаниядан иккита тезюлар поезд сотиб олиш ва «Тошкент - Самарқанд» йўналиши бўйича уларнинг қатновини йўжа қўйиш лойиҳасини, барча расмийлаштириш жараёнлари билан бирга, амалга оширишни бошлаш керак.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасига жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажмини янада ошириш инвестиция соҳасидаги долзарб йўналиш ҳисобланади.

Аввало, бу ерда бошланган 17 та лойиҳани амалга ошириш, айти пайтда Корея Республикаси, Япония, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия ва бошқа технологик жиҳатдан юксак ривожланган мамлакатлардан инвестициялар жалб қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Қадрли дўстлар!

Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастурининг 2010 йилнинг муҳим устувор йўналишлари қаторига киритилишига тўлиқ асос бор⁹.

Юртимизда 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши, шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурининг амалга оширилиши қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган аниқ мақсадли ишларимизнинг бошланиши бўлди.

Буларнинг барчаси қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини тубдан ошириш ва шаҳар шароитига яқинлаштиришга хизмат қилади.

Ушбу мақсадларга молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан 2009 йилнинг ўзида 2 триллион 600 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29- январь куни бўлиб ўтган мажлисидаги “Асосий вазифамиз-Ватинимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” мавзуларидаги белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда киритилган ўзгаришлар тўғрисида.

Энг муҳими, ўтган йили қишлоқ жойларда қурилиш олиб бориш учун узоқ истикболга мўлжалланган, лойиҳалаштириш, саноат-қурилиш, муҳандислик-техник жиҳатдан кучли замонавий салоҳиятга эга бўлган база яратишга эришдик.

I.2. Жиноят ҳуқуқида бир қанча жиноят тушунчаси ва шакллари

Бир қанча жиноят содир этиш тушунчаси умумлаштирувчи жиноий ҳуқуқий атама бўлиб, у бир шахснинг илгари содир этган қилмишлари учун судланганми ёки йўқми, жиноий жавобгарликка тортилганми ёки йўқми, булардан қатъи назар, бир қанча жиноят содир этганлигини акс эттирадиган ижтимоий ҳодисадир.

Бир қанча жиноятлар тушунчаси жиноят ҳуқуқида нисбатан янги тушунча бўлиб, жиноят ҳуқуқи назариясида ушбу мавзу ўтган асрнинг 60-йилларидан тадқиқ қилана бошланган бўлсада, аммо жиноят ҳуқуқининг энг муҳим институтларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг аввалги 1959 йил 21 майда қабул қилинган жиноят кодексида фарқли равишда мустақил Ўзбекистон республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган янги жиноят кодексида жиноятлар жаъмига оид барча қоидалар тизимлаштирилди. Яъни жиноятлар жаъмини тартибга солувчи умумий қоидалар жиноят қонунининг алоҳида моддаси сифатида шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг Умумий қисми VIII бобида бир қанча жиноятлар содир этиш ва унинг турлари берилган (32-34 моддалар). Бу бобда такроран (32-модданинг 1-қисми) давомли (32-моддасининг 3-қисми), узоққа чўзилган (32-модданинг 4-қисми) жиноятлар. Жиноятлар жами (33-модда) ва рецидив жиноят (34-модда) тушунчалари берилган бўлиб ана шу тушунчаларни таҳлил қилмасдан туриб, бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлаш масалаларини тушунтиришнинг иложи бўлмайди. Чунки айнан ана шу бобда бир қанча жиноятларнинг назарий тушунчалари берилган бўлиб, қандай қилмишларни ЖКнинг битта моддаси билан ва қандай ҳолларда бир қанча моддаси билан квалификация қилиб, жавобгар қилишнинг асослари назарда тутилган.

Бир қанча жиноят содир этиш жиноят ҳуқуқининг ва мураккаб масалаларидан бири ҳисобланади. Ушбу масаланинг муҳимлиги шундан иборатки, биринчидан, бир қанча жиноят содир этиш натижасида битта, ягона жиноят содир этишга қараганда жиноят ҳуқуқи воситасида қўриқланаётган ижтимоий муносабатларга кўпроқ ва жиддийроқ зарар етказилади. Иккинчидан, бир қанча жиноят содир этиш шахс битта, ягона жиноят содир этган шахсга нисбатан жиддийроқ хавфга эга бўлади. Учинчидан, давлатимизда янги Жиноят кодексининг қабул қилиниши муносабати билан бир қанча жиноят содир этиш

тушунчасига ҳам айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилдики, бу мустақил Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи назарияси ва тергов-суд амалиёти олдига қатор назарий ва амалий муаммоларни қўйди.

Бир қанча жиноят содир этиш жиноят ҳуқуқининг мураккаб масаларидан бири эканлиги шундан иборатки, у ўз тузилишига кўра бир қанча оддий, ягона жиноятларни ўз ичига олади.

Бир қанча жиноятлар қуйидаги ҳолларда содир этилади:

- 1) такроран жиноят содир этишда;
- 2) жиноятлар жами (жаъми)да;
- 3) рецидив жиноят содир этилганда;

Жиноят қонунида бир қанча жиноятлар тушунчасининг таърифи берилмаган бўлсада, жиноят ҳуқуқи назариясида олимлар томонидан бир қанча жиноятлар тушунчасига турлича таъриф берганлар. Айрим муаллифлар бир қанча жиноятлар тушунчасини содда қилиб, бир киши томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этишдир-деб таъриф берганлар¹⁰.

Ҳуқуқий адабиётларда бир қанча жиноят содир этиш тушунчаси мутахассислар томонидан турлича талқин қилинади. Масалан, А.М.Яковлевнинг фикрича, «бир қанча жиноий қилмишлар тушунчаси такрорийлик, рецидив ва жиноятлар мажмуи тушунчаларида аниқ мужассам бўлади». Кўриниб турибдики, А.М.Яковлев бир қанча жиноят содир этиш тушунчасини унинг шакллари санаб ўтиш орқали ёритиб берган. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, А.М.Яковлевнинг бу фикри Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида белгиланган бир қанча жиноят содир этиш тушунчасига мос келади.

Е.А.Фролов ва Р.Р.Галиакбаровларнинг таърифлашича, бир қанча жиноятлар деганда «айнан бир шахс ҳуқ-атворида жиноят қонунида назарда тутилган бир қанча ҳуқуқбузарликларнинг тўғри келиб қолиши»ни тушуниш зарур. «Тўғри келиб қолиш» атамаси бир қанча жиноятларнинг асосан бир вақтда содир этилишини тақозо қилиши ва уларнинг турли вақтларда ҳам содир этилиши мумкинлигини истисно қилганлиги учун ҳам ҳуқуқий адабиётларда адолатли танқидга учради.

1959 йили қабул қилинган Жиноят кодексида бир қанча жиноятлар институти умуман назарда тутилмаган эди. Ўша Жиноят кодексининг Махсус қисмида жиноятларни такроран содир этганлик, олдин судланган шахс томонидан, жиноят содир этганлик учун жавобгарликни белгиловчи махсус нормалар назарда тутилган бўлсада, Умумий қисмда уларнинг тушунчалари берилмаган эди. Шунинг учун ҳам ушбу мавзунинг талқин

¹⁰ Советское уголовное право. М., МГУ, 1988, 200-бет.

қилганлар бир қанча жиноятлар тушунчасини турлича талқин қилган эдилар. Жумладан, А.М.Яковлев бир қанча жиноятлар такроран, рецидив ва жиноятлар жами тариқасида жиноят содир қилишдан иборатдир" - деб ёзади¹¹. П.С.Дагель эса шахс томонидан бир қанча жиноятни содир этишдир - деб ёзади¹².

Бу таъриф бизнинг назаримизда бир қанча жиноятларнинг мамунини ифодалаб бера олмайди. Чунки бу тушунча рецидив тунчасини қамраб ололмайди.

Ткаченко В.И. шахснинг олдинги жинояти учун судланган ёки судланмаганлигидан қатъи назар, суд ҳукми билан аниқланган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиши, бир қанча жиноят содир этиш деб топилади - деб ёзади¹³.

В.П.Малков бир қанча жиноятлар тушунчасини анча кенгроқ талқин қилади. "Шахснинг жиноий жавобгарликка тортилгунча бир вақтда ёки кетма-кет икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этилганлиги ёхуд олдинги жинояти учун ҳукм қилинганидан кейин янгитдан жиноят содир этиши, агар ҳеч бўлмаганда иккита жиноят ўртасида жиноят - ҳуқуқий муддатлар ўтиб кетмаган бўлса, шунингдек жиноят ишини қўзғатиш учун бошқа тўсиқлар бўлмаса, бир қанча жиноят содир этилган деб топилади",-деб ёзади¹⁴.

К.А.Панько эса бир қанча жиноятларга қуйидагича таъриф беради: "Шахс икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир қилиб, агар улар учун юридик оқибатлари бекор бўлмаган ёки жиноий таъқиб қилиш учун жиноят - процессуал тўсиқлар бўлмаса, қилмиш Жиноят кодекси махсус қисмининг битта нормаси билан қамраб олинган ёки олинмаганлигидан қатъи назар бир қанча жиноят содир этиш деб топилади¹⁵.

Юридик фанлари номзоди доцент. Жияноя М.Х нинг таърифлашича "Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир моддасида ёки бир моддасининг битта қисмида ёки турли қисмида ёхуд турли моддаларда назарда тутилган жиноий-ҳуқуқий аҳамиятини йўқотмаган икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг бир вақтда ёки турли вақтларда бир шахс томонидан содир этилиши бир қанча жиноят содир этиш деб топилади¹⁶.

Бир қанча жиноятларга берилган бу таърифлардан кўриниб турибдики, ушбу муаммони ўрганган барча муаллифлар бир қанча жиноятлар камида иккита жиноят содир қилинганлигини таъкидлайдилар ва барчалари жиноят содир қилишнинг алоҳида шакли бўлиши билан бирга жиноят ҳуқуқининг алоҳида институти эканлигини ҳам

¹¹ Яковлев А.М., Совокупность преступности. М., 1960, 5-бет.

¹² Дагель П.С. Множественность преступности. Владивосток. 1969, 1-бет.

¹³ Ткаченко М.И. Множественность преступностей. Уголовное право Российской Федерации. Часть 6. общ. М., «Юрист», 1999, 270-бет.

¹⁴ Малков В.П. Множественность преступлений и её форм по советскому уголовному праву. Казань. 1982. 12-бет.

¹⁵ Панько К.А. Вопрос: общей теории рецидива в Советском уголовном праве. Воронеж., Изд-во Вароженского университета. 1988, 19-бет.

¹⁶ Жиянов М.Х. Бир қанча жиноят содир этганлик учун жавобгарлик. Фарҳона 2002. 73-бет.

таъкидлайдилар. Биз уларнинг бу фикрига қўшилиш билан бирга, ҳар бири муайян муносабатларни тартибга солувчи институтлар тизимидан иборат деб ҳисоблаймиз.

Юқорида айтилган ана шу барча фикрларга асосланиб, бир қанча жиноятларга қуйидагича таъриф бериш мумкин: "Бир вақтда ёки турли вақтларда икки ёки ундан ортиқ мустақил жиноят таркибини ташкил қилувчи жиноятларни ёхуд олдинги ҳукм бўйича судланганлик муддати ўтмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан янги жиноят содир этиш, бир қанча жиноят содир этиш деб топилади.

Юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиққан ҳолда бир қанча жиноят содир этишнинг қуйидаги ҳуқуқий белгиларини ажратиш мумкин.

1. Бир қанча жиноятлар миқдор кўрсаткичларига эга, яъни шахс (ёки шахслар) томонидан иккитадан кам бўлмаган (ундан ҳам кўп бўлиши мумкин) жиноят содир этилган бўлиши зарур. Бу, бир томондан, бир қанча жиноятларни ташкил қилувчи ҳар бир жиноий қилмиш Жиноят кодексининг 14-моддаси талабларига мувофиқ ягона жиноят деб тан олиниши зарурлигини билдирса ва ягона жиноятларни бир қанча жиноятлардан фарқлашга хизмат қилса, иккинчи томондан, маъмурий ёки интизомий ҳуқуқбузарлик мақомига эга бўлган қилмишлар бир қанча жиноят содир этиш каби баҳоланмаслигини билдиради.

2. Бир қанча жиноятлар сифат кўрсаткичларига эга, яъни бир қанча жиноятлар таркибига кирувчи ҳар бир жиноят ўзининг жиноий - ҳуқуқий аҳамиятини йўқотмаган бўлиши ва жиноий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиришга қодир бўлиши зарур. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноят қуйидаги ҳолларда ўзининг жиноий-ҳуқуқий аҳамиятини йўқотиши мумкин:

а) жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетиши муносабати билан;

б) шахс амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилинганда;

в) судланганлик ҳолатининг тугалланиши муносабати билан;

г) судланганлик ҳолатининг олиб ташланиши муносабати билан;

д) жиноят ишини қўзғатишга тўсқинлик қилувчи процессуал ҳолатларнинг мавжудлиги туфайли (масалан, жабрланувчининг шикояти асосида қўзғатиладиган жиноий ишлар бўйича шундай шикоятнинг мавжуд бўлмаслиги, муайян жиноят ишини тўхтатиш бўйича чиқарилган қарор ёки ажримнинг бекор қилинмаганлиги кабилар);

е) 66¹-модда - ярашиш натижасида (айбдорнинг жабрланувчи билан ярашиши).

3. Бир қанча жиноят содир этишнинг асосий ҳуқуқий белгиларидан яна бири шундан иборатки, бир қанча жиноятларни ташкил қилувчи икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг ҳар бири айнан бир шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан содир этилади. Бошқача қилиб айтганда, бир қанча жиноятларни ташкил қилувчи жиноий қилмишларни бир-бирига боғлаб турувчи умумий элемент сифатида, жиноят субъекти тан олинади.

4. Бир қанча жиноятларнинг айрим турларини бир-биридан фарқлашга ёрдам берувчи белгилардан яна бири вақт ҳамдир. Амалдаги жиноят қонуни мазмунига кўра бир қанча

жиноятлар турли даврларда ёки бир вақтда ҳам содир этилиши мумкин. Такрорий жиноятлар, рецидив жиноятлар ва жиноятларнинг реал жаъми бўйича жиноятларнинг турли даврларда содир этилиши талаб қилинса, жиноятларнинг идеал жаъмини бир вақтда бир қилмиш билан содир қилинган икки ёки ундан ортиқ жиноятлар ташкил қилади.

5. Қонун чиқарувчи бир қанча жиноят содир қилганлик учун жавобгарлик асосларини белгилар экан, жиноят тушунчасини кенг талқин қилади ва жиноят деганда нафақат тамом бўлган жиноятларни, балки жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш (ЖКнинг 25-моддаси) ҳамда ишгирокчиликда содир этилган жиноят (ЖКнинг 27-моддаси) ларни ҳам назарда тутади.

6. Бир қанча жиноят содир этиш ижтимоий ҳодиса сифатида турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Давлатимизнинг амалдаги жиноят қонунида бир қанча жиноят содир этишнинг учта шакли назарда тутилган. Булар такроран жиноят содир этиш (ЖКнинг 32-моддаси), жиноятлар мажмуи (ЖКнинг 33-моддаси) ва рецидив жиноят (ЖКнинг 34-моддаси) лардир. Бир қанча жиноят содир этишнинг юқорида санаб ўтилган шакллари жиноят қонуни Махсус қисмида назарда тутилган жиноятларнинг турли мезонлар асосида бирикувидан ҳосил бўлиши мумкин. Масалан, такроран содир этилган жиноятлар ЖК Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексида алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир қанча жиноятларнинг бирикувидан ҳосил бўлиши мумкин.

Бир қанча жиноят содир этилган бўлса, уларни квалификация қилиш ва жазо тайинлашда жиддий муаммолар мавжудки, бу муаммоларни ҳал қилиш учун ЖКнинг 32,33,34-моддаларининг қоидаларини яхшилаб ўзлаштириб олиш зарур.

Бир қанча жиноятлар содир этилганда ЖК Махсус қисмининг битта моддаси ёки битта моддасининг битта қисми билан ёхуд битта моддасининг турли қисмлари ёки турли моддалари билан квалификация қилиб жавобгар қилиш мумкин. Бу бир қанча жиноятларнинг қайси тури содир этилганлигига боғлиқ. Қуйида уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Такроран жиноят содир этиш бир қанча жиноят содир этишнинг мустиқил шаклларида бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 32-моддасида такроран жиноят содир этиш тушунчаси берилган бўлиб, Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексида алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир қанча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади. Ушбу таърифдан

қўриниб турибдики, ЖКнинг 32-моддасида такроран жиноят содир қилишнинг учта шакли назарда тутилади:

- а) турли вақтларда ЖК Махсус қисмининг битта моддасида назарда тутилган жиноятларни камида икки марта содир қилиш;
- б) турли вақтларда ЖК Махсус қисмининг битта моддасининг битта қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилиш;
- в) қонунда кўрсатилган алоҳида ҳолларда ЖКнинг турли моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этиш.

Шунингдек юқоридаги берилган таърифдан келиб чиққан ҳолда жиноят содир этишнинг қуйидаги белгиларини ҳам кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлиб, улар қуйидагилардан иборат.

- 1) бир шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этилганлиги;
- 2) ушбу жиноятни турли вақтларда содир этилганлиги;
- 3) содир этилган қилмишлар жиноят кодекси махсус қисмининг айнан бир моддаси, бир моддасининг битта қисмидир, кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса турли моддаларда назарда тутилган бўлиши;
- 4) ушбу қилмишларни шахс судланмасдан олдин содир этган бўлиши, яъни уларни суд хали муҳокама қилмаган бўлиши ва айбдор уларнинг бирортаси учун ҳам жазоланмаганлиги.

Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг бир қанча моддалари фақат битта қисмдан иборат бўлиб, (масалан 124-модда болани алмаштириб қўйиш, 130-модда порнографик нарсаларни тайёрлаш, 142-модда фуқароларнинг турар жой дахлсизлигини бузиш ва ҳоказолар) шахс ана шундай жиноятларни ҳар хил вақтда содир этиб, улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, жиноят такроран қилинган деб фақат кейинги содир қилган жинояти учун уларни такроран содир қилган деб жавобгар қилинади. Аммо суд бундай жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддаси 1-қисми "н" бандига биноан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб жазо тайинлайди. Чунки жиноятни такроран қилганлиги қилмишни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида шу норманинг санкциясида жазо оғирлаштирилган. Аммо ЖКнинг Махсус қисми моддасининг "такроран қилинса" деган ёки ундан оғирроқ қисми билан жазо тайинланаётган бўлса, оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобга олинмайди. Бундай ҳолда бир қанча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлашнинг қоидалари қўлланмайди. Масалан айтайлик, кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказган шахс ЖКнинг 64-моддасида (жавобгарликка тортиш моддалари) назарда тутилган муддатлар ўтмасдан яна худди шундай жиноятни содир қилса, жиноятларнинг жами тариқасида эмас, балки жиноят такроран содир этилган деб ЖКнинг 106-моддасининг ўзи билан жавобгар қилинади. Аммо суд жазо тайинлаш вақтида ЖКнинг 56-моддасига биноан оғирлаштарувчи ҳолат деб ҳисоблайди.

Турли вақтларда ЖК Махсус қисми моддасининг битта қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилишни ҳам такроран содир этиш деб топилади.

Масалан айтайлик, шахс 169-моддаси 2-қисмининг "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганидан кейин яна шу модданинг 2-қисми "в" бандида назарда тутилган жиноятни содир қилса, жиноят такроран қилинган деб 169-моддаси 3-қисмининг "а" банди билан жавобгар қилинади. Демак, ЖК Махсус қисмининг битта моддасининг битта қисмида назарда тутилган мустақил жиноятлар ҳисобланган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир қилган тақдирда ҳам жиноят такроран содир этилган деб ҳисобланиб, бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлаш қоидалари татбиқ этилмайди.

Такроран жиноят содир қилишнинг учинчи шакли ҳисобланган, қонунда алоҳида кўрсатилган ҳолларда ЖКнинг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир қанча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб ҳисоблансада, жиноятларни квалификация қилиш масаласида ЖКнинг 32- ва 33-моддалари қоидаларига асосланади. Жазо тайинлаш масаласи эса ЖКнинг 59-моддаси қоидаларига асосланган ҳолда ҳал қилинади. Бундай нормалар ЖК Махсус қисмининг бир қанча моддаларида назарда тутилган. Булар жумласига масалан, 104-модданинг (қасддан баданга оғир шикаст етказиш) 3-қисмининг "б" банди, 105-модданинг (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш) 2-қисмининг "к" банди; 118-модданинг (номусга тегиш), 2-қисмининг "б" банди; 119-модданинг (жинсий эҳтиёжини зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш) 2-қисмининг "б" банди ва, ҳоказолар.

Масалан айтайлик, шахс олдин Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддасининг 1 ёки 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган. Ушбу жинояти учун ҳали судланмасдан 104-модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган. Баданга оғир шикаст етказишнинг дастлабки квалификация қилиш белгиси 104-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят бўлсада, ЖКнинг 32-моддаси қоида-сига асосланиб, 104-модданинг 3-қисми "б" банди билан квалификация қилинади. Жазо тайинлашда эса ЖКнинг 59 моддасининг қоидалари қўлланилади. Демак, такроран жиноят содир этишнинг дастлабки иккита шаклида бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлаш қоидалари татбиқ этилмасдан битта модда ёки модданинг муайян қисми билан жазо тайинланса, учинчи шаклида такроран жиноят содир қилиш қоидаларини қўллаган ҳолда бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлаш қоидалари асосида жазо тайинланади.

Бир қанча жиноятлар содир этиш деб ҳисоблансада, лекин бир қанча ҳаракатлардан иборат бўлган ҳаракатларни ташкил этган жиноятларнинг яна бир тури давомли жиноятлардир. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 32-моддаси 3-қисмида давомли жиноят тушунчаси берилган.

Умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир қанча жиноий қилмишлардан иборат бўлган жиноят давомли жиноят деб топилади. Давомли жиноятга қонунда берилган ушбу таърифга қўра қилмишни давомли жиноят деб ҳисоблаш учун қуйидаги белгилари бўлиши керак:

- а) жиноий қилмишларнинг умумий қасд билан қамраб олинганлиги;
- б) ягона мақсадга қаратилганлиги;
- в) содир этилган жиноий қилмишларнинг бир-бирига ўхшашлиги;
- г) ҳар бир жиноий ҳаракатни алоҳида ажратиб олинганда жиноят таркибини ташкил қилиши.

Ана шу белгиларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида мавжуд жиноий қилмиш давомли жиноят деб ҳисобланади.

Давомли жиноят бир қанча жиноий ҳаракатлардан иборат бўлсада, жазо тайинлашда ЖКнинг 59-моддаси қоидалари қўлланмайди. Масалан, номусга тегишда бир қанча марта жинсий алоқада бўлиш, жинсий эҳтиёжини зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш жиноятини содир этишда бу ҳаракатларни бир қанча марта содир этиш; 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш жиноятини содир этишда бир қанча марта жинсий муносабатда бўлиш, ўғирлаш мўлжалланган мулкни бўлиб-бўлиб олиб чиқиб кетиш ва ҳоказолар.

Давомли жиноятларни квалификация қилишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, содир этилган жиноий қилмишларнинг қайси бири энг оғир бўлса ёки келтирилган зарарнинг энг оғирига қараб квалификация қилинади. Мулкни талон-тарож қилишда жиноятлар натижасида талон-тарож қилинган мулкнинг ҳамма миқдори қўшилиб, талон-тарож қилинган мулкнинг миқдорига қараб квалификация қилинади.

Узоққа чўзилган жиноят тушунчаси ЖКнинг 32-моддаси 4-қисмида берилган бўлиб, вазифаларини узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган жиноят узоққа чўзилган жиноят деб топилади. Узоққа чўзилган жиноят жиноий фаолият бўлмасдан ягона узлуксиз жиноий ҳаракатсизликдан ёки ҳаракатдан иборатдир. Бундай жиноятларга масалан, вояга етмаган ёки меҳнатга яроқсиз шахсларни моддий таъминлашдан (122-модда) ёки ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаб қочиш (123-модда), солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (184-модда), мансабга совуққонлик билан қараш (207-модда), озодликдан маҳрум қилиш жойларидан қочиш (222-модда), дезертирлик (288-модда) ва ҳоказо жиноятларни айтиш мумкин.

Рецидив жиноят бир қанча жиноят шаклларининг энг хавфлиси ҳисобланади. Зеро, илгари судланган шахснинг янги қасддан жиноят содир этиши ундаги жиноий ниятларнинг барқарорлигидан ва аҳлоқнинг жамиятга қарши қаратилганлигидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 34-моддасига мувофиқ “Шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади”.

Рецидив жиноятлар Жиноят Кодексининг 34-моддасига 3 турга бўлинади:

1. Оддий рецидив жиноят;
2. Хавфли рецидив жиноят;
3. Ўта хавфли рецидив жиноят.

1. Оддий рецидив жиноят тушунчаси. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддасининг 1-қисмида мустаҳкамланган. Унга кўра “Шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судлангандан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади”. Юқорида баён қилинган таърифдан келиб чиққан ҳолда оддий рецидив жиноятнинг қуйидаги белгиларини ажратиш мумкин:

- а) шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганлиги;
- б) шахс илгари ва янги содир этган жиноятларини қасддан содир этганлиги;
- в) шахснинг судланганлик муддати тугамасдан ёки судланганлиги белгиланган тартибда олиб ташланмасдан янги жиноят содир этиши.

I.3. Жиноятлар мажмуи бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлашнинг асоси сифатида

Жиноят мажмуи бир қанча жиноят содир этишнинг шаклларида бири бўлиб, ЖКнинг 33-моддасида мустахкамланган. Ушбу моддага мувофиқ ЖК Махсус қисмининг моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир қанча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади.

Жиноятлар мажмуига берилган ушбу таърифдан кўриниб турибдики, жиноятлар мажмуи қуйидаги учта белги билан ифодаланади:

- а) шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир этилганлиги;
- б) ҳар бир алоҳида жиноятнинг ЖК турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган эди;
- в) барча жиноятларнинг ҳукмгача содир этилганлиги.

Юридик адабиётларда шахс бир хил жиноятни турли вақтларда содир этиб, улардан бири учун жиноятга тайёргарлик кўрганлиги ёки суиқасд қилганлиги учун ёхуд ишгирокчиликда айбланиб, жавобгарликка тортилаётган тақдирда ҳам жиноятлар мажмуи деб топилиши тўғрисида ёзилган¹⁷.

Шундай қилиб, жиноятлар мажмуи бир қанча жиноятлар тизимидаги унинг бир шакли ҳисобланади. Бир қанча жиноятлар тушунчаси ғоят мураккаб бўлиб, бир гуруҳ жиноятлар ҳақида гап кетмайди, шунингдек, бир қанча жиноятларнинг альтернативи ҳам эмас. Аммо айрим муаллифлар бир қанча жиноятларни жиноят жаъмининг альтернативи деб ҳисоблайдилар¹⁸.

Жиноятлар мажмуи ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, уларнинг бирортаси учун ҳам шахс, хали судланмаган икки ёки ундан ортиқ жиноятларни жамлашнинг ўзи бўлса, бир қанча жиноятлар эса бир қанча жиноий ҳаракатлардан ёки мустақил жиноят таркибини ташкил бир қанча жиноятлардан иборат бўлган, такроран, давомли, жиноятлар жаъми, рецидив жиноятни, маълум даражада уларнинг мураккаб айбли, мураккаб таркибли узоққа чўзилган жиноятлардан фарқларини ҳам кўрсатувчи ижтимоий-ҳуқуқий ходиса ҳисобланади.

Жиноятлар мажмуи жиноят қонунида турларга бўлинмаган бўлсада, жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятларни идел шакли ва жиноятларни реал жаъмига бўлиб ўрганилади.

¹⁷ Ткаченко М.И. Множественность преступности. Уголовное право Российской Федерации. М., «Юрист», 1999, 278-бет.

¹⁸ Чубарьев В.Л. Многоразовая преступная деятельность и уголовный закон. Государство и право. 1992 йил. №2, 73-бет.

Жиноятларнинг идеал жами амалдаги жиноят қонунида норматив хусусиятга эга эмас. Чунки ЖКда жиноятнинг идеал жаъми тушунчаси алоҳида берилмаган.

Жиноят ҳуқуқи назарияси ва суд амалиётида жиноятларнинг идеал жами деганда, шахснинг бир ҳаракати билан ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир қанча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар идеал жаъми деб топилади. Шахснинг бир ҳаракати туфайли ЖК Махсус қисмининг камида иккита моддаси билан қўриқланадиган объектга тажовуз қилинади. Бунда Махсус қисми моддасининг ягона таркибига кирувчи объектнинг қисмига эмас, балки муайян моддада назарда тутилган жиноят таркибининг объектини қамраб ололмайдиган бошқа бир объектга тажовуз қилинган бўлиши керак. Масалан, босқинчилик қилиш вақтидаги ҳужум туфайли қасддан жабрланувчини ўлдириш, босқинчилик қилиш вақтида эҳтиётсизликдан одам ўлдириш, безорилик ҳаракатлари вақтида шахснинг баданига оғир шикаст етказиш ва ҳоказолар.

Жиноятларнинг идеал жамининг шартлари қуйидагилардан иборат:

- а) фақат битта жиноий ҳаракатнинг содир этилганлиги;
- б) шу қилмиш учун ЖК Махсус қисмининг битта моддаси қамраб олмай камида иккита моддаси билан жавобгарликнинг белгиланганлиги.

Ю.А.Красиков жиноятларнинг идеал жамида шахснинг бир ҳаракати билан икки ёки ундан ортиқ объекти жиҳатидан ушбу модда объектининг бир қисмини ёки бир бутун объектни ташкил қилмайдиган ҳар хил ёки бир бирига ўхшаш оқибатлар келиб чиқишидир деб ёзади¹⁹.

Битта жиноий ҳаракат туфайли ЖКнинг турли қисмларида назарда тутилган оқибатлар келиб чиқса, жиноятларнинг идеал шаклини ташкил қиладими? - деган савол туғилади. Бу масалада Ткаченко В.И. шахснинг бир ҳаракати билан ЖКнинг турли қисмларида назарда тутилган жиноий оқибатлар келиб чиққан тақдирда жиноятлар жамини ташкил қилмайди деб ёзади. Биз унинг бу фикрига тўла қўшилган ҳолда, бу масала Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддаси 2-қисмида аниқ ёзиб қўйилганлигини таъкидлаймиз. Ушбу модданинг 2-қисмида "Агар Шахс содир этган қилмишида ушбу Кодекс Махсус қисми айтиб берилган моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади, - дейилади.

Бунга қуйидаги мисолни келтириш мумкин: А. ва С. исмли вояга етмаганлар ўзлари яшайдиган маҳалладаги Г.нинг уйига деразадан кириб, уйдан магнитофонни ўғирлайдилар. Суд уларнинг қилмишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми "б" банди билан (ЎЗР ЖКнинг 169-моддасига 2001 йил 29 августдаги "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги

¹⁹ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. М., Норма-Нифра. 2001, 24-25-бетлар.

кодекса ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунгача бўлган таҳрирда жазо тайинланган) квалификация қилиб ҳукм қилган. А. ва С.ларнинг ушбу жиноий қилмишида 169-модданинг учта қисмида назарда тутилган белгилар мавжуд. Бу жиноятда таллон-тарож қилинган мулкнинг миқдори суд томонидан белгиланган баҳога кўра 169-модданинг 1-қисмида назарда тутилган миқдори ташкил қилади. Жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганлиги учун 169-модданинг 2-қисми "в" бандида назарда тутилган квалификация қилиш белгиси бор. Уй-жойга кириб содир этилганлик шу жиноят учун жавобгарликни белгиловчи оғирроқ жазо белгиланган қисми бўлганлиги учун суд айбдор қилмишини тўғри квалификация қилиб ҳукм қилган.

Аммо суд амалиётида айрим судлар томонидан ушбу нормани нотўғри талқин қилиниб, Жиноят кодексининг битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларни турли вақтларда содир этганлари тақдирда ҳам жиноятларнинг энг оғири билан ҳукм қилиб жазо тайинламоқдалар Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддаси 1-қисмида Жиноят кодекси Махсус қисминиинг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир қанча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади, - дейилади.

Демак, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддасининг мазмунига кўра, шахс турли вақтларда ЖК битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларни содир қилган бўлса, жиноятлар мажмуи деб топилади.

В.П.Малков жиноятларнинг идеал жами сунъий равишда

тузилган юридик конструкция бўлмасдан шахснинг бир ҳаракати

билан икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этиш натижасидир - деб ёзади.²⁰ Чунки жиноятларнинг идеал жами шахснинг битта ҳаракати билан жиноят қонунининг икки ёки ундан ортиқ нормаларини оддий бузишнинг ўзи бўлмай, икки ёки ундан ортиқ мустақил жиноятларни содир қилишдан иборатдир.

Агарда биз жиноятларнинг идеал жамини жиноят қонунининг икки ёки ундан ортиқ нормаларини бузишдан иборат десак, бундай тушунча жиноятларнинг идеал жамини ташкил қилмайди. Чунки шахснинг бир ҳаракати билан битта модданинг турли қисмларида назарда тутилган оқибатлар юз беришини ҳам тушуниш мумкин. ЖКнинг Махсус қисми моддаларининг ҳар бир қисми мустақил таркибли жиноятлар бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳолда ЖКнинг 33-моддаси 2-қисмида назарда тутилган қоидалар татбиқ қилинади.

²⁰ Малков В.П. Совокупность преступности. Изд-во Казанского университета. 1974, 146-бет.

М.М.Исаев, Н.Д.Дурмановлар жиноятларнинг идеал жами айбдорнинг бир ҳаракати билан икки ёки ундан ортиқ жиноят таркибларини бажаришдир,²¹ А.А.Пионяковский эса, жиноятларнинг идеал жами бир қанча жиноятларни содир қилишдан иборатдир, -деб сзади.²² Ткаченко В.И. эса Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддасида берилган таърифнинг айнан ўзини баён қилган.²³ Красиков Ю.А. Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддалари билан қўриқланадиган турли объектларга зарар етказиш ёки ҳар хил ёхуд бир қанча оқибатларни келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган ягона жиноий қилмишдир деб ёзади.

Жиноятларнинг идеал жамига бундай айрим ҳоллардан унинг ҳақиқий маъносини ифодалай олмайдиган тушунчаларининг олимлар томонидан берилганлиги олдинги қонунда унинг ягона тушунчасини ишлаб чиқилмаганлигидир.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир қанча жиноий қилмишларни турли вақтларда содир қилиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятларнинг реал жами деб топилади. Демак, жиноятларнинг реал жамида шахс турли вақтларда бир-бирига боғлиқ бўлмаган алоҳида-алоҳида мустақил жиноий қилмишларни содир этади. Бундай жиноятлар Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятлар содир этилган ва бундай жиноятлар учун ЖКнинг 59-моддасида кўрсатилган қоидаларга асосланиб жазо тайинланадиган бўлиши керак.

Жиноятларнинг реал жамида аввал содир этилган жиноят билан кейинги содир этилган жиноят ўртасида қанча вақт ўтганлигининг аҳамияти йўқ. Бу вақт бир соат, бир қанча соат, бир кун, бир қанча кун, ой ёки йил бўлиши мумкин, яъни дастлабки содир қилинган жиноят билан кейинги содир қилинган жиноят ўртасида ЖКнинг 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетмаган бўлиши керак.

Суд амалиётида қўрилаётган бир қанча жиноятларнинг асосий қўпчилик қисмини жиноятларнинг реал жами тарзида содир этилган жиноятлар ташкил қилмоқда. Булар айниқса, ўғрилик, фирибгарлик, талон-тарож жиноятлари туркумига кирувчи жиноятларда қўпроқ учрамоқда.

Жиноятларнинг идеал жамига нисбатан жиноятларни реал жами шаклини квалификация қилиш анча осондир. Чунки, жиноятларнинг идеал жамида бир ҳаракат туфайли бир қанча модда билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатга таъовуз қилинади ва ана шу таъовуз қаратилган объектларни тўғри белгилаш ва ажратиш олиш, шунингдек бу объектлар Жиноят кодексининг қайси моддаси билан қўриқланишини тўғри аниқлаш керак.

²¹ Дурманов Н.Д. Ответственность при совокупности преступности по советскому уголовному праву. Соц. законность. 1937, №8, 84-бет.

²² Исаев М.М. Назначение наказания при совокупности преступлений. Советская юстиция. 1938, № 18. 37-бет.

²³ Ткаченко М.И. Множественность преступности. Уголовное право Российской Федерации. Част 6. Обшая. М., "Юрист", 1999. 43-бет.

Жиноятларнинг реал жамида эса алоҳида ҳаракатлар билан алоҳида-алоҳида жиноятлар содир этилганлиги боис уларни квалификация қилишда жиддий қийинчиликлар бўлмайди. Аммо айрим ҳолларда жиноят шундай содир қилинадик, улар ўртасидаги вақт жуда қисқа, бир жиноий ҳаракат иккинчи бир жиноий ҳаракатни содир қилишнинг воситаси бўлиб қолади. Ана шундай ҳолда қилмишни жиноятларнинг идели деб топиш керакми ёки реал жами деб топиш керакми? - деган муаммо келиб чиқади. Бунга судда қўрилган А. ва бошқаларнинг жиноий қилмишларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

А. ва унинг шериклари И.нинг ҳовлисида "Тико" автомашинасини ҳайдаб қочадилар. Машинани ҳайдаб қочиш вақтида уларда машина ва унинг қисмларини талон-тарож қилиш мақсади бўлмайди. Машинани анча вақт ҳайдаб юрганларидан кейин А.нинг таклифи билан четроқ жойга чиқиб машинанинг магнитофони ва айрим қисмларини ечиб оладилар. Жиноят изларини йўқотиш мақсадида машинани ёқиб юборадилар. Суд А ва бошқаларнинг қилмишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 267-моддаси (транспорт воситасини ҳайдаб қочиш)нинг 2-қисми "б" банди, 169-модданинг 2-қисми "в" банди ва 173-модданинг (мулкни қасдан nobud қилиш) 2-қисмининг "в" банди билан квалификация қилиб, ЖКнинг 59-моддаси қоидалари асосида жазо тайинлаган. А. ва бошқаларнинг қилмишларини жиноятларнинг идеал жами деб ҳисоблаш керакми ёки реал жами деб ҳисоблаш керакми. Бу ҳолда фикримизча, А. ва бошқаларнинг қилмишини жиноятларнинг реал жами деб ҳисобланиши керак. Чунки содир этилган ушбу жиноятлар бир-бири билан боғланган бўлсада, жиноятларни бажарилиши алоҳида-алоҳида содир этилган.

Суд амалиётида давомли ёки узоққа чўзилган жиноятлар содир этиш мобайнида яна бошқа бир жиноят содир этилганлиги ҳам учрайди. Масалан, қонунга хилоф равишда қурол сақлаётган шахс бошқа бир шахснинг баданига шу қуролдан фойдаланиб оғир шикаст етказган бўлса, жиноятларнинг идеал жами дебми ёки реал жами дебми ҳисоблаш керак. Чунки бундай ҳолда узоққа чўзилган жиноят билан баданга шикаст етказиш жиноятлари муайян вақт билан ажратилмаган. Бундай ҳолда жиноятларнинг реал жами деб ҳисобланиши керак. Чунки, баданга шикаст етказиш давомли жиноят мобайнида содир этилган бўлсада, жиноий ҳаракатлар алоҳида-алоҳида содир этилган. Жиноятларнинг идеал жамида эса битта жиноий ҳаракат туфайли икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этилган бўлиши керак, (масалан безорилик ҳаракатлари мобайнида баданга оғир шикаст етказиш).

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддаси мазмунига кўра ЖК Махсус қисмининг битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларни турли вақтларда содир қилиш ҳам жиноятларнинг реал жамини ташкил қилади.

Юридик адабиётларда жиноятларнинг бири тамомланган, иккинчиси эса тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида тўхтатилган ёхуд иштирокчи деб жавобгарликка тортилган бўлса, жиноятларнинг реал жами деб эмас, балки такроран содир этилган деб

ҳисоблаш кераклиги тўғрисидаги фикрлар ҳам йўқ эмас²⁴. Кўпчилик муаллифлар эса бундай фикрга қарши чиқиб, бундай ҳолда жиноятларнинг реал жами деб квалификация қилиш кераклигини баён қиладилар²⁵. Биз ҳам иккинчи гуруҳ муаллифларнинг фикрларини тўғри деб ҳисоблаймиз. Бу борада собиқ СССР Олий суди Пленумининг 1964 йил 25 мартдаги 7-сонли "Номусга тегиш ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 7-бандида икки ёки ундан ортиқ номусга тегиш жиноятлари содир этилиб, улар номусга тегиш учун жавобгарликни белгиловчи моддасининг (118-модда) турли қисмларида назарда тутилган жиноятлар бўлиб, бири номусга тегишга суиқасд қилиш ва иккинчиси тамом бўлган номусга тегиш бўлса, айбдорнинг ҳар бир ҳаракати алоҳида-алоҳида (жиноятларнинг реал жами тариқасида) квалификация қилиниши керак"-деб тушунтириш берилган эди. Бизнинг назаримизда, худди шунга ўхшаш тарздаги жиноятларда айбланиб, жиноятларнинг бири учун шахс иштирокчи, иккинчиси учун бажарувчи деб квалификация қилинган тақдирда ҳам жиноятларнинг реал жами тариқасида квалификация қилиниши керак.

Жиноятларнинг идеал жами бир ҳаракат билан содир этилганлиги туфайли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланмайди. Жиноятларнинг реал жами эса турли вақтларда содир қилганлиги туфайли жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Жиноятларнинг идеал жами икки ёки ундан ортиқ жиноят бўлсада, бир ҳаракат орқали содир этилганлиги туфайли, шахс

жиноятларни биринчи марта содир қилган ҳисобланади. Жиноятларнинг реал жамида эса олдин содир қилган шахс томонидан янги жиноят содир этилган деб ҳисобланади.

Жиноятларнинг идеал жамида жиноятлар биринчи марта содир этилган деб ҳисобланганлиги туфайли агар бунга асослар мавжуд бўлса, қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги (65-модда), айбдор ўз қилмишига чин қўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишни, шахснинг ижтимоий хавфлилиги хусусиятини йўқотиши (70-модда) ва чин қўнгилдан қилмишига пушаймон бўлганлиги муносабати билан (71-модда) ҳамда ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни (66-модда) қўлланиши мумкин.

Юқоридагилардан ташқари, жиноятларнинг идеал жамида шахс биринчи марта жиноят содир этган деб ҳисобланганлиги туфайли, жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг шахси жиноятларини реал жами тариқасида содир қилган кишиларнинг

²⁴ Блум М.И. Понятие и признаки совокупности преступлений. Сб. Вопросы уголовного право и процессе. Рига. 1969, 41-бет.

²⁵ Масалан, Малков В.П. Совокупность преступности. Изд-во. Казанского университета. 1974, 198-199 бетлар.

шахсига нисбатан ижтимоий хавфлилиги камроқ ҳисобланади. Судлар яйдорларга жазо тайинлаш вақтида албатта юқорида айтилган ҳолатларни ҳисобга олади, албатта.

1.4. Бир қанча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлашнинг умумий шартлари.

Жиноий жазо жиноят содир қилишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлои чораси бўлиб, жиноят учун жазо тайинлаш фақат судга тегишлидир. Шунга кўра, жазо тайинлаш суд фаолиятининг энг масъулиятли қисми ҳисобланади. Ишнинг барча ҳолатлариини ҳисобга олган ҳолда адолатли жазо тайинлашга кўп нарса боғлиқ. Чунки айнан жазо тайинлаш вақтида жиноят қонунининг адолатлилик принципи ўзининг ифодасини топади, одил судловнинг қай даражада амалга оширилаётганлигининг мезони ҳам айнан тайинланган жазо тури ва муддати билан белгиланади.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан унинг шахситни, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилигини, жиноят натижасида келтирилган зарарнинг аҳамияти ва миқдорини ҳамда ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олган ҳолда адолатли жазо тайинлаш, жиноят содир қилган шахснинг ўз қилмишига яраша жазосини олганлик ҳиссини уйғотиш жазо мақсадининг дастлабки, аммо энг муҳими ютуғи ҳисобланади.

Жиноят содир этишда айбли дб топилган шахсга нисбатан фақат айбдорнинг қилмиши ёки қилмишлари квалификация қилинган модданинг ёки моддаларнинг санкциясида кўрсатилган жазо, агарда альтернатив тарздаги жазо бўлса улардан бири тайинланади. Судлар айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган нормада назарда тутилмаган (аммо жазо тизимида назарда тутилган) жазо турини тайинлай олмайдилар. Лекин иш ҳолатларига кўра, бунга асослар мавжуд бўлса, ЖКнинг 57-моддасининг қоидаларини қўллаган ҳолда санкцияда назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазонинг тайинланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54 моддасининг биринчи қисмига кўра «Жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади. Суд ушбу кодекс махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада умумий қисмнинг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди» шунингдек, ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра суд жазо тайинлашда:

- а) содир этилган жиноятнинг хусусияти ижтимоий хавфлилик даражаси;
- б) жиноий қилмишнинг сабабини;
- в) етказилган зарарнинг хусусияти на миқдорини;

г) айбдорнинг шахсини;

д) жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Ушбу санаб кўрсатилган ҳолатлар қонунда назарда тутилган ҳолатлар бўлиб, судлар жазо тайинлаш вақтида ҳисобга олишга мажбурдирлар. Жазо тайинлашда ана шу ҳолатлар бор ёки йўқлигини аниқламаслик ва жазо тайинлашда ҳисобга олмаслик адолатли жазо тайинлаш принципининг бузилишига сабаб бўлади. Ушбу ҳолатлар алоҳида бир жиноят учун жазо тайинлаш вақтида ҳам бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлаш вақтида ҳам ҳисобга олиниши керак.

Агар айбдорнинг қилмиши Жиноят кодекси Махсус қисмининг битта моддаси ёки битта моддасининг битта қисмида назарда тутилган жиноят бўлса, жазо ўша нормасининг санкциясида кўрсатилган жазолардан бирини, ишнинг юқорида айтилган ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда тайинланаверади. Жиноятлар бир қанча бўлиб, ЖК Махсус қисмининг бир нечта моддаси ёки моддасининг қисмлари билан квалификация қилинган бўлса қандай жазо тайинланиши керак, - деган савол туғилади. Шунинг ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси ЖКда бир нечта жиноятлар учун жазо тайинлашнинг алоҳида қоидалари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасида бир нечта жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш қоидалари белгиланган. Унда белгиланишига кўра, шахс Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, суд ушбу Кодекснинг 54-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳар қайси жиноят учун жазо тайинлаб, сўнгра Умумий қисмда шу жазо тури учун белгиланган доирада тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи учун жазо тайинлайди.

Маълумки, бир қанча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлашнинг назарий асослари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33 ва 54-моддаларида белгиланган. Жиноят кодексининг 33 ва 59-моддаларининг мазмунини солиштирганда уларда айрим бир-бирига мувофиқ келмайдиган масалалар борлигини кўриш мумкин. ЖКнинг 33-моддасининг 1-қисмида Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир қанча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади. 59-моддада эса фақат турли моддаларда назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятлар содир этилган тақдирда бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлаш қоидалари қўлланиши тўғрисида айтилган. Битта модданин турли қисмларида назарда тутилган жиноятлар содир этилган бўлса, жазо тайинлаш масаласи қандай ҳал қилиниши керак?

Бундай жиноятларни такроран содир этилган деб ҳисоблайдиган бўлсак, ЖКнинг 32-моддасида такроран жиноят содир қилиш тушунчаси берилган ва унда битта модданинг битта қисмида назарда тутилган жиноятларни турли вақтларда содир этиб, улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса жиноят такроран содир этилган деб топилади.

Демак, битта модданинг турли қисмларида назарда тутилган жиноятлар 33-модданинг мазмунига кўра жиноятлар мажмуини ташкил қилиши ҳақида айтилган, аммо ЖКнинг 59-моддасида бу масала муаммолигича қолиб, ўз ифодасини топмаган. Ушбу муаммони тадқиқ қилган кўплаб муаллифлар битта модданинг турли қисмларида назарда тутилган жиноятлар турли вақтларда содир этилган бўлса, жиноятлар жами тариқасида жазо тайинлаш кераклигини уқтирганлар²⁶. Ушбу масала қонунда ўз ифодасини топмаганлиги туфайли айрим судлар битта модданинг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларни шахс турли вақтларда содир этган тақдирда уларнинг фақат оғирроғи билан жазо тайинлаб ЖКнинг 32, 33, 54-моддаларида белгиланган ҳамда 59-моддада белгиланган жазо тайинлашнинг қоидаларининг бузилишига йўл қўйилмоқда.

Жиноят кодексининг 33 ва 59-моддаларидаги ана шу номувофиқлик туфайли Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1996 йил 19 июлдаги "Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 2.1-бандида ушбу муаммо тўғрисида нотўғри тушунтириш берилган. Унда шундай дейилади: "Қолаверса шахс томонидан айна бир модданинг турли қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар содир этилганлик учун жиноятлар мажмуини белгилашда жавобгарлик шу модданинг оғирроқ жазо назарда тутилган қисми бўйича юзага келади", - дейилган²⁷.

Тўғри, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддаси 2-қисмида "Агар шахс содир этган қилмишда ушбу Кодекснинг Махсус қисми айна бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади", - дейилади. Бу ерда ЖК Махсус қисмининг битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятлар ҳақида эмас, балки, битта жиноий қилмишда битта модданинг турли қисмларида назарда тутилган квалификация қилиш белгилари мавжуд бўлган тақдирда жавобгарлик масаласини қандай ҳал қилиниши кераклиги ҳақида гапирилмоқда.

²⁶ Разумов С.А. Назначение наказания. в кн: Комментарии к Уголовному кодексу Российской Федерации. М., «Норма-Инфра». 2001, 141-бет; Умидуллаев Ш.У. Рецидив жиноят тушунчаси ва рецидив жиноят учун жавобгарликнинг хусусиятлари. Т., «Янги аср алоди». 2001, 412-бет.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг қарорларининг тўпами. 1991-1997. Т., 45бет.

Ана шу юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 1-қисми "Махсус қисмининг турли моддаларида" деган сўзлардан кейин "битта моддасининг турли қисмларида" деган сўзлар билан тўлдиришни таклиф қиламиз.

II. БОБ. БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАНЛИК ЮЗАСИДАН ЖАЗОЛАРНИ ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ.

II.1. Бир қанча жиноят учун жазо тайинлаш

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси мазмунига кўра, шахс икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир қилиб, умрининг бирортаси учун ҳам хали судланган бўлмаса, суд шахснинг ҳар бир жинояти учун алоҳида-алоҳида жазо тайинлаб, сўнгра жазоларни қисман қўшиш ёки тўла қўшиш қоидаларини қўллаган ҳолда қатъий жазо тайинлайди.

Бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлаш муаммоларини тадқиқ қилган муаллифлар содир этилган жиноятларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида, сўнгра қатъий жазо тайинлаш тартибини тўғри деб ҳисоблаш билан бирга, қуйидаги учта ҳолат билан боғлаб тушунтирадилар.

Биринчидан - содир этилган ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида жазо тайинлаш, шахсни ахлоқан тузатиш мақсадига эришиш ва тузатиш ҳамда жиноятларнинг умумий ва махсус олдини олиш, шунинг билан бирга ҳар бир жиноят учун жазонинг муқаррарлиги принципига мос келади.

Иккинчидан - жазо тайинлашнинг бундай тартиби ҳукми апелляция, кассация ва назорат тартибида текшириб кўриш, айниқса бу инстанцияда ҳукми ўзгартирганда ёки бекор қилганда ёхуд жиноятларнинг бирининг қисми бўйича ҳукми ўзгартирганда ёки бекор қилганда ёхуд жиноятларнинг бирининг қисми бўйича ҳукми ўзгартиришни тақозо қилганда қўл келади.

Учинчидан - ҳар бир жиноят учун алоҳида ҳолда амнистия актини қўллаш имконини беради²⁸.

Суд ҳар бир жиноят учун жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54-моддасида белгиланган жазо тайинлашнинг умумий қоидаларига асосланади ва жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Юридик адабиётларда бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлашда ҳар бир жиноят учун бир-биридан мустақил ҳолда жазо тайинлаш керакми ёки уларни бир-бири билан боғлиқ бўлган жиноят ҳодисалари сифатида жазо тайинлаш керакми, деган масалада ҳар хил фикрлар мавжуд.

Жумладан, Г.А. Кригер "Суд бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлашда аввал жиноятлар жами тушунчасидан чекиниб, ҳар бир жиноятни бир-биридан алоҳида ҳолда,

²⁸ Горелик А.С. Назначение наказания по совокупности. Красноярск. 1975. 32 ст.

хар бир жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда алоҳида-алоҳида жазо тайинлайди", - деб ёзади. Н.А.Беляков эса, "Суд жиноятлар жамига кирувчи ҳар бир жиноят учун жазо тайинлашда ҳар бир жиноятни бир-биридан алоҳида ҳолда жиноят ҳодисасининг ўзи деб қарамаслиги керак. Бундан ташқари, суд бир қанча жиноят содир этилганлигини эсдан чиқармаслиги керак. Жазо тайинлашнинг умумий асосларига кўра жазо тайинлашда фақат жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасигина эмас, балки айбдорнинг шахси, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳам ҳисобга олади. Бундан ташқари, иккинчи ва ундан олдин содир этилган ҳар бир жиноят учун жазони оғирлаштирувчи ҳолатни ҳисобга олиши, яъни илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг ҳаддан янги жиноят содир этиши (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддаси 1-қисми "н" банди) деб ҳисоблаб жазо тайинлаши керак", - деб ёзади²⁹.

Ҳар бир жиноятни бир-биридан алоҳида мустиқ ҳолда қўриш керак, деб ёзган

муаллифлар жазони индивидуаллаштириш принципига риоя қилиш ва ҳар бир

жиноятга мувофиқ бўлган жазо тайинлаш кераклигига асосланадилар. Бунда жазони

сунъий равишда кучайтиришга йўл қўйиб бўлмаслигига ҳавола қиладилар³⁰. Бизнинг

фикримизча, амалдаги жиноят қонуни бўйича жазоларни қоплаш усули

қўлланилмаслиги, такроран усули қўлланилмаслиги, такроран содир этилган, бир қанча

жиноят содир этилган, ҳатто жиноятларнинг идеал жами ёки реал жами ёхуд рецидив

жиноятлар учун жазо тайинлашнинг ўзига хос жиҳатлари борки, суд уларнинг ҳар бири

учун жазо тайинлашда ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши керак. Масалан,

жиноят такроран содир қилинган бўлса, ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида

оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинмайди. Чунки қонун

чиқарувчи орган такроран содир этилган жиноятни ЖК Махсус қисмда қилмишни

квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида назарда тутиб оғир жазо чоралари

қўллашни назарда тутган. Жиноятларнинг идеал жамида эса қилмиш бир вақтнинг

ўзида содир этилганлиги учун унда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар бўлиши

²⁹ Курс советского уголовного права. Общая часть. Т.2. Л., МГУ, 1970, 325-353-бетлар.

³⁰ Советская юстиция». 1996, №7, 12-13-бетлар; Максимов С., Марченко С. Назначение наказания при совокупности преступлений. Советская юстиция. 1971, №6, 14-бет; Юшков Ю. Назначение наказания по совокупности преступлений. «Социалистическая законность». 1973, №3, 64-бет. Практика назначения наказания при совершении нескольких. Наученые труды. Ташкентского Университета в.а. 267, кн11. 1946, 77-бет.

мумкин. Жиноятларнинг реал жами тариқасида жазо тайинлаш вақтида суд ҳар бир жиноятни бир-биридан мустақил равишда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳам алоҳида-алоҳида ҳолда ҳисобга олади. Суд жиноятлар жами тариқасида жазо тайинлаш вақтида ишдаги барча енгиллаштирувчи, оғирлаштирувчи ҳолатларни жиноятлар жами тариқасида қатъи назар жазо тайинлагандан кейин эмас, балки ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида жазо тайинлашда ҳисобга олади.

Мисол учун Азимов А.С ва бошқаларнинг жиноят ишларини кўрайлик.

Азимов А.С.нинг қилмиши жиноятларнинг реал жами тариқасида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми "б" банди ва 276-моддаси 2-қисмининг "а" банди билан квалификация қилиниб ҳукм чиқарилган. Суд 169-моддасининг 2-қисми "а" банди билан беш йил муддатга, 276-моддасининг 2-қисми билан тўрт йил муддатга алоҳида-алоҳида жазо тайинлаб, жазоларни қисман қўшиш орқали олти йил муддатга озодликдан мнҳрум қилишни тайинлайди.

Суд Азимовга биринчи жинояти учун 169-моддасининг 3-қисми билан беш йил муддат белгилар экан, бу норманинг ўша вақтда амалда бўлган санкцияси даражасидаги беш йилдан саккиз йилгача бўлган доирада бу жазонинг энг кам қисмини, яъни беш йилини тайинлар экан, санкциядаги энг кам миқдорни тайинлайди. Бунда суд жиноятнинг биринчи марта содир қилинганлигини ҳисобга олган. ЖКнинг 276-моддасининг 2-қисми санкциясида эса озодликдан маҳрум қилишнинг муддати уч йилдан беш йилгача белгиланган. Суд Азимовга нисбатан кейинги содир қилган жинояти учун санкцияда кўрсатилган жазо муддатининг энг кўп қисмига яқинроқ бўлгап (тўрт йил) муддатни белгилар экан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасининг 1-қисми "н" бандига асосланган. Жиноятларнинг реал жами тариқасида жазо тайинланган тақдирда биринчи жиноятда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар, иккинчи жиноятда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар бўлиши ҳам мумкин. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддаси 1-қисми "н" моддасида илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топилиши тўғрисида айтилган бўлса, шу модданинг 2-қисмида суд содир бўлган жиноятнинг хусусиятини эътиборга олиб, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топилмаслиги мумкин деган нормасига кўра, агар кейин содир этилган жиноятда жиддий енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, бундай ҳолатни ҳисобга олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасининг мазмунига кўра, бир қанча жиноятлар юзасидан жазо тайинланганда ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида жазо тайинлаб,

сўнгра уларни қисман ёки тўла қўшиш йўли билан қатъий жазо тайинланади. Жазоларни қоплаш орқали ягона жазо тайинлаш қондаси Ўзбекистон Республикаси ЖКда назарда тутилмаган. Мустақил Давлатлар Хамдўстлигига кирувчи мамлакатларнинг Жиноят кодексларида эса жазонинг енгилроғини оғирроғи билан қоплаб қатъий жазо тайинлашга ҳам йўл қўйилади. Жумладан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 69-моддаси 2-қисмида "Агар жиноятлар жами тариқасида содир этилган жиноятлар унча оғир бўлмаган бўлса, енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаб ёхуд қисман қўшиш ёки тўла қўшиш йўли билан қатъий жазо тайинланади", - дейилади. Шу модданинг учинчи қисмида агар содир этилган жиноятларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси ўртача оғир, оғир ёки ўта оғир бўлган бўлса, фақат қисман қўшиш ёки тўла қўшиш йўли билан фақат қатъий жазо тайинланиши белгиланган. Бундай қоида Хамдўстликка кирувчи кўпчилик манлатларнинг Жиноят кодексларида ҳам назарда тутилган.

Бизнинг Жиноят кодексимизда бундай қоида назарда тутилмаганлиги туфайли судлар айрим ҳолларда бир нечта ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлашда ҳар бир жиноят учун жазони индивидуаллаштириш имкониятига эга бўлмай қоладилар.

Масалан, ЖКнинг 121-моддаси 2-қисми (аёлни жинсий алоқа қишишга мажбур этиш) ва 130-модда (порнографик нарсаларни тайёрлаш ёки тарқатиш) назарда тутилган жиноятларни олайлик. 121 модданинг 2-қисми санкциясида икки йилдан уч йилгача қўлқўтуштириш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маърум қилиш назарда тутилган, 130-модданинг санкциясида эса жарима ва уч йилгача ахлоқ қўлқўтуштириш ишлари назарда тутилган. Агар шу жиноятлар учун ахлоққўлқўтуштириш ишини тайинлаш зарур деб топилган тақдирда, суд қисман қўшиш усулидан фойдаланиш учун ҳар икки жазони иложи борида қаматириб тайинлашга мажбур бўлади, 121-модда бўйича эса ҳар қандай ҳолда ҳам икки йилдан кам бўлган ахлоқ қўлқўтуштириш ишларини тайинлаш мумкин бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддасига қисман қўшиш ва тўла қўшиш имкони бўлмаган ҳолда (алоҳида-алоҳида ижро этиладиган жазолар бундан мустасно) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун жиноятлар жами тариқасида жазо тайинланаётган тақдирда судларга жазонинг енгилроғини оғирроғи билан қоплаш имконини берувчи нормани киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг VIII бобида бир қанча жиноятларнинг шакллари берилган бўлиб, булар такроран, давомли, жиноятлар жами ва рецидив жиноятлар содир қилиш тушунчаларидир. Булар бир қанча жиноятлар тизимига кирувчи турлар бўлиб, ҳар бирининг ўзига хос жазо тайинлаш йўллари бўлиб, бир-бирига ўхшамайди. Аммо Жиноят

кодексида фақат бир қанча жиноятлар (59-модда) ва бир қанча ҳукмлар (60-модда) юзасидан жазо тайинлаш қоидалари назарда тутилган, холос. Шундай экан, такроран содир этилган жиноят учун жазо тайинлаш тартиби қандай, унинг бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлашдан фарқи нимада? қуйида ушбу муаммони таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

а) Бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлашни такроран жиноят содир этишдан фарқи ва ўхшашлиги.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 32-моддаси мазмунига кўра, ЖКнинг битта моддасида ёки битта моддасининг битта қисмида ёхуд қонунда кўрсатилган алоҳида ҳолларда ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир этиб, шахс уларнинг бирортаси учун ҳам ҳали судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади.

Бир қанча жиноят содир этилган деб ҳисоблаш учун ҳам, такроран жиноят содир этиш деб ҳисоблаш учун ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасида ёхуд битта моддасининг турли қисмларида ёхуд битта моддасининг битта қисмида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир этиб, шахс улардан бирортаси учун ҳам ҳали судланган бўлмаслиги керак. Шундай экан, уларнинг фарқи нимада? Уларнинг фарқи қуйидагиларда ифодаланади:

1. Такроран жиноят содир этиш Деб, фақат ЖК Махсус қисмининг битта моддасида ёки битта моддасининг битта қисмида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ турли вақтларда содир этилган жиноятлар тушунилса, бир қанча жиноятлар содир этиш деганда, ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир этиш назарда тутилади.
2. Такроран жиноят содир этиш деганда, содир этилган ҳар бир жиноят турли вақтларда содир этилиб, шахс уларнинг бирортаси учун ҳам ҳали судланган бўлмаслиги керак. Бир қанча жиноят содир этишда эса, агар жиноятларнинг идеал жами тариқасида содир этилган бўлса, ҳар бир жиноятни турли вақтларда эмас, балки бир вақтда ва бир жиноий ҳаракат билан ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятлар содир этилади.
3. Такроран жиноят содир этишда ЖК Махсус қисмининг битта моддасининг битта қисмидаги икки ёки ундан ортиқ жиноятлар фақат турли вақтларда содир этилса, бир қанча жиноятларнинг идеал жамида битта модданинг турли қисмларидаги жиноятлар бир вақтда содир этилмайди. Битта модданинг турли қисмларидаги жиноятлар фақат жиноятларнинг реал жамида содир этилиши мумкин, холос.
4. Такроран жиноят содир этиш Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларида квалификация қилишнинг зарурий Ослгиси сифатида кўрсатилган бўлиб, айнан олдинги

жиноятга ухшаш содир этилган жиноят ўша модданинг такроран содир этилганлик учун жавобгарликни белгиловчи нормаси билан квалификация қилинади.

Бир қанча жиноят содир этиш эса, ЖК Махсус қисми моддаларида қилмишни квалификация қилишнинг зарурий белгиси ҳисобланмайди, балки Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддаси, 1-қисми "н" бандига кўра жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

5. Такроран жиноят содир этилганда икки ёки ундан ортиқ мустақил таркибга эга бўлган жиноятлар содир этилган бўлсада, қилмишлар ЖК Махсус қисмининг такроран қилинганлик учун жавобгарликни белгиловчи нормасининг санкциясида назарда тутилган санкция доирасида битта жазо тури тайинланади.

Бунга 2004 йил 18 май куни Наманган вилояти Уйчи туман судида қўрилган Асқаров Қ.А нинг жиноят ишини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Асқаров Қ.А 2004 йил 18 май куни Қўқон шаҳар товар бозорида С.нинг сумкасидаги мулкни ўғирлаганлиги ва бир қанча кундан кейин худди шундай жиноятни бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб содир қилганлиги учун ҳукм қилинган. Асқаровнинг биринчи жиноий қилмиши ЎЗР ЖКнинг 169-Моддасининг 2-қисми "а" банди, иккинчи жинояти эса 169 – модданинг 2-қисми "в" бандида назарда тутилган жиноятларни ташкил қилган. Суд Асқаровнинг жиноий қилмишларини ЎЗР ЖК 169-моддасининг 3-қисми "а"банди билан, жиноят такроран содир этилган деб тўғри квалификация қилиб, ҳукм чиқарган ва шу модданинг 3-қисми санкциясида назарда тутилган озоқликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган. Бунда суд Асқаровнинг жиноятларини квалификация қилиш ва жазо тайинлашнинг барча қоидаларига риоя қилган.

Бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлаганда эса, аввало ҳар бир жиноий қилмиш ўзининг алоҳида-алоҳида белгиларига қараб мустақил равишда квалификация қилинади. Содир қилинган жиноятларнинг ҳар бири учун ЖКнинг 54-моддасининг қоидалари асосида жазо тайинлаиб, сўнгра ЖК 59-моддасининг қоидаларини қўллаб қисман ёки тўла қўшиш йўли билан ягона жазо тайинланади. Бунда қўшиш мумкин бўлган жазолар қўшилади, қўшиш мумкин бўлмаган жазолар алоҳида-алоҳида тайинланади.

Бунга 2004 йил 15 октябр куни Наманган вилоят Учкўрғон туман судида қўрилган Ричков К.Я.нинг жиноят ишини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ричков К. 2000 йил 4 март куни қўшниси Радченко И.А.нинг уйига ўғрилиқ қилиш мақсадида кириб "Самсунг" маркали 200.000 сўм турадиган телевизорни ўғирлаб кетади. Телевизорни. сотиб, пулини ишлатиб юборади. 2000 йилнинг 15 июнь куни қўшниси Алексеев А.нинг уйига телевизор кўриш баҳонасида киради. Алексеевнинг ўғли Демидов А.нинг қулида 5000 сўм турадиган соатни кўриб қолади ва боланинг онаси бошқа хонада

уй ишлари билан бандлигидан фойдаланиб, боланинг қўлидан соатни ечиб кўрсатишни сўрайди. Соатни ўз қўдига тақиб олиб, кейинроқ бераман деб чиқиб кетади ва соатни сотиб, пулини ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборади.

Суд унинг қилмишларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми "б" банди ва 166-модданинг 3-қисми "б" банди билан квалификация қилиб, ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида жазо тайинлаб, сўнгра озодликдан маҳрум қилиш тариқасида ягона жазони тайинлаган. Суд квалификация қилиш ва жазо тайинлашнинг барча қоидаларига риоя қилган.

II.2. Бир хил ва турли хил жазо турлари назарда тутилган жиноятлар учун жазо тайинлаш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 43-моддасида асосий жазо тариқасида тайинланиши мумкин бўлган саккизта жазо турлари назарда тутилган бўлиб, ЖКнинг Махсус қисми моддаларининг санкцияларида жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб жазо тури, миқдори ёки муддатлари белгиланган. ЖКнинг Махсус қисми моддаларида назарда тутилган санкциялар содир қилинган жинояти учун айбдорга нисбатан тайинланган жиноий жазо бўлса, иккинчи томондан жиноятларнинг ижтимоий хавфлилигини белгиловчи мезон ҳам ҳисобланади.

ЖКнинг Махсус қисми моддаларининг асосий қўпчилик қисмида жазолар альтернатив жазолар тариқасида назарда тутилган. Суд жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан жиноятнинг характери, ижтимоий хавфлилик даражаси ва ишнинг бошқа ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда санкцияда назарда тутилган асосий жазолардан бирини тайинлайди.

Суд амалиётида бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлашда кўпроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмоқда. Аммо озодликдан маҳрум қилиш жазоси оғир ва ўта оғир жиноят содир қилгандагина қўлланиши зарурлиги Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми қарорларида тақрор-тақрор тақидланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги "Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида"ги қарорида "Айбдорга тайинланган жазо чораси адолатли ва унинг ахлоқан тузалиши, янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўлиши Керак" - деб тушунтириш берилган³¹.

³¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2000 йил 22 декабрдаги Пленуми қарорлари. Т., 2000, 14-бет.

Озодликдан маҳрум қилиш жазо чораси, фақат оғир ва ўта оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан ёки ЖКнинг 56-моддасида санаб ўтилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда, шунингдек, жазо тизимидаги бошқа енгилроқ Чораларни қўллаш имконияти бўлмаган ҳоллардагина тайинланиши мақсадга мувофиқдир, дейилади. Жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи моддаларнинг санкциясида альтернатив жазо тариқасида назарда тутилган жиноятлардан суд ишдаги ҳолатларга қараб бирини танлаб тайинлайди. Агарда ҳар бир жиноят учун тайинланган жазолар бир хил бўлса, Жиноят кодексининг 59-моддасида белгиланган тартибда бу жазоларни қисман қўшиш ёки тўла қўшиш орқали ягона жазо тайинланади. Суд амалиётини ўрганишдан маълум бўлишича, судлар кўпроқ қисман қўшиш усулидан фойдаланмоқдалар.

Бир хил турдаги жазоларни қисман қўшиш ёки тўла қўшиш йўли билан қатъий жазо тайинланганда тайинланган қатъий жазо миқдори ўша жазо тури учун ЖКнинг Умумий қисми моддаларида белгиланган муддат доирасида тайинланади. Масалан, озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати йигирма йилдан кўп бўлмаслиги (ЖКнинг 50-моддаси); қамоқ олти ойдан ошмаслиги, (48-модда); интизомий қисмга жўнатиш (49-модда) бир йилдан ошмаслиги, озодликдан маҳрум қилишнинг ўрнига тайинланган тақдирда уч йилдан ошмаслиги; ахлоқ тузатиш ишлари (46-модда) ва хизмат бўйича чеклаш (47-модда)нинг муддати уч йилдан ошмаслиги; муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш (ЖКнинг 45-моддаси) беш йилдан ошмаслиги; жарима эса энг кам ойлик иш ҳақининг олти юз бараваридан ошмаслиги керак.

Олдинги бобда таъкидлаганимиздек, бир қанча жиноятлар жиноятларнинг идеал жами тариқасида содир этилган ва бу жиноятлар биринчи марта содир этилган бўлса, шахснинг ахлоқини жиддий енгиллаштирувчи нормаларни, агарда бунга асослар мавжуд бўлса, қўлланиши мумкин. Буларга масалан жавобгарликдан (65-68-моддалар) ва жазодан озод қилиш (70-76-моддалар)ни айтиш мумкин.

Шу муносабат билан шундай савол туғилади. Агар қилмишлар учун жиноятларнинг идеал жами тариқасида жазо тайинлашганда, жазони енгилроғи билан алмаштириш, шартли ҳукм қилишни қўллаш ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида тайинланадими ёки қатъи жазо тайинланганидан кейин қўлланадими деган савол туғилади.

Ушбу масала бўйича собиқ СССР Олий суди Пленумининг 1979 йил 29 июндаги "Жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисида"ги қарорининг 8-бандида "Бир қанча жиноятларни содир қилишда айбланаётган шахсга нисбатан қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлашда ҳар бир жиноят учун жазо тайинлаш вақтида жазоларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида ёки тайинланган жазолардан бирига нисбатан қўлланиши,

сўнгра қатъий жазо тайинланиши мумкин" - деб тушунтириш берилган эди. Демак, бир қанча жиноят содир қилишда айбланаётган шахсга нисбатан енгилроқ жазо билан алмаштириш жиноятлар жами тариқасида жазо тайинланганда эчас, балки ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида жазо тайинлаш вақтида қўлланилади.

Ушбу масала шартли ҳукм қилишда қандай ҳал қилинади? Бу собиқ СССР Олий суди Пленумининг 1981 йил 31 июлдаги "Бир қанча жиноятлар ва бир қанча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашнинг суд амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 6-бандида бир қанча жиноятлар учун жазо тайинланганда шартли ҳукм қилиш фақат қатъий жазо тайинланганидан кейингина қўлланиши мумкинлиги тўғрисида тушунтириш берилган. Бу масалага Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги "Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарори 2.3-бандида берилган тушунтиришга кўра, "Бир қанча жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор фақат уларга нисбатан қатъий жазо белгиланганидан сўнг жазонинг тури ва миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳукмда кўрсатилиши лозимлигини судлар инобатга олишлари керак", - дейилади³². Демак, шартли ҳукм қилиш бир қанча жиноятлар юзасидан қатъий жазо тайинланганидан кейин қўлланилади.

Судлар ЖКнинг 59-моддаси тартибада ахлоқ тузатиш ишлари юзасидан жиноятлар жами тариқасида жазо тайинлаганда эса бу жазонинг муддатларига ҳам, фоизларга ҳам қисман қўшиш қоидаларини қўлламоқдалар. Чунки 59-моддада муддатларни қўшиш вафоизларини алоҳида-алоҳида ижро этиш назарда тутилмаган. Шундан бўлса керак, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1996 йил 19 июндаги "Жиноят учун жазо тайинлаш тўғрисида"ги Пленуми қарорининг 4.1-бандида "Ахлоқ тузатиш иши жазосини тайинлашда унинг муддати, ушлаб қолинаниган миқдор фоизи олдин ҳар бир модда бўйича, алоҳида-алоҳида, сўнгра уларнинг мажмуи бўйича кўрсатилади", - дейилади³³. Айтилганларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси "Бир қанча жиноятлар юзасидан ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилиниб, иш ҳақи ёки таъминотидан ушлаб қолишнинг муддатлари ушбу Кодекснинг 1-қисми қоидаларига амал қилган ҳолда фоизлари эса алоҳида-алоҳида ушлаб қолинади", - деган қисм билан тўлдиришни таклиф қиламиз.

ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган фоизларни алоҳида-алоҳида ижро этиш 59-моддада кўрсатилган. Қўшишга нисбатан оғирроқ бўлиши керак. Ваҳоланки, амалдаги қонунда буни тескараси бўлмоқда. Амалдаги қонунда бир қанча жиноятлар учун жазо

³² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997. Т., 1997, 45-бет.

³³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997. Т., 1997, 49-бет.

тайинлашга нисбатан бир қанча ҳукмлар юзасидан ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш енгилроқ бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддасида жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш назарда тутилган бўлиб, барча жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятларга бўлинган.

Айбдор томонидан содир этилган жиноятларнинг барчаси фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки фақат унча оғир ёхуд ўта оғир бўлмаслиги мумкин. Айбдор томонидан содир этилган жиноятларнинг бири ижтимоий хавфи катта бўлмаган, иккинчиси оғир ёки ўта оғир бўлиши мумкин. Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддалари санкциясидаги жазо тури ва муддати жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб белгиланган.

Айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги ҳар хил бўлиши ва шунга мувофиқ равишда жазолар ҳам ҳар хил белгиланган. Масалан, агарда айбдорнинг қилмишлари ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми ва 105-моддаси билан квалификация қилинган бўлса, 109-модданинг 2-қисми санкциясида жарима, ахлоқ тузатиш ишлари ва энг оғир жазо сифатида қамоқ жазолари, 105-модданинг 2-қисмида эса фақат озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги Жиноят кодексига айрим қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонуни билан ЖКнинг бир қатор моддаларига (масалан, 180, 181, 184, 185 ва ҳоказо моддалар) "Етказилган моддий зарар уч қарра миқдорда қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди", - деган қисм билан тўлдирилди³⁴.

Шунингдек, "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят - процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасимиз 2001 йил 29 августдаги қонуни билан Жиноят кодексипиш анчагина моддаларига (масалан, 167, 168, 170 ва ҳоказо моддалар) етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш ва қамоқ жазосининг қўлланилмаслиги тўғрисидаги қисм билан тўлдирилди³⁵. Шу муносабат билан айбдорнинг бир қанча жиноятлари учун жазо тайинлашда айрим муаммолар пайдо бўлди. Қуйида ушбу масалаларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг қилмишлари ЖК Махсус қисмининг турли моддалари ёки битта моддасининг турли қисмлари билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинган ва жиноятлар учун ҳар хил турдаги асосий жазолар назарда

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ашборотномаси. 1999 йил, 9-сон, 229-модда.

³⁵ «Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 18 октябр сони.

тутилгап бўлса, бундай жиноятлар учун жазоларни қўшишнинг қоидалари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 43-моддасида назарда тутилган жазо тизимидаги жаволарни бир қанча жиноятлар учун тайинлаш усулига қараб икки гуруҳга бўлиш мумкин, булар:

- 1) бир-бири билан қўшиш мумкин бўлган жазолар;
- 2) қўшиш мумкин бўлмаган ва алоҳида ижро этиладиган жазолар.

Қўшиш мумкин бўлган жазоларга ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамок, имтизомий қисмга жўнатиш киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу жазолар бир-бири билан қўшилмай, ЖКнинг 61-моддасида белгиланган қоидаларга кўра фақат озодликдан маҳрум қилиш жазосига қўшилади. Агар тайинланган жазолар бир хил бўлса, олдинги параграфда айтганимиздек, қисман ёки тўла қўшиш орқали ягона жазо тайинланаверади. Бу ерда гап фақат тайинланган жазолар ҳар хил бўлса, ягона жазо тайинлаш устида кетмоқда.

Озодликдан маҳрум қилишга қўшилмай алоҳида ижро этиладиган асосий жазоларга жарима ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар киради ва улар бошқа турдаги жазоларга қўшилмай алоҳида-алоҳида тайинланади.

Жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинган жиноятларнинг бири учун ахлоқ тузатиш ишлари, иккинчиси учун жарима тайинланган бўлса, уларнинг ҳар иккаласи асосий жазо сифатида алоҳида-алоҳида тайинланади.

II.3. Бир қанча жиноятлар юзасидан қўшимча жазо тайинлаш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 43-моддасида жиноий жазо тизими назарда тутилган бўлиб, бу жазолар, асосий жазоларга, асосий ёки қўшимча жазо сифатида тайинладиган жазоларга ва фақат қўшимча жазо сифатида тайинладиган жазоларга бўлинади.

Жазо тизимидаги жазолардан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси асосий жазо сифатида (беш йилгача муддатга) ёки қўшимча жазо сифатида (уч йилгача муддатга) тайинладиган жазо тури ҳисобланади. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазоси фақат қўшимча жазо тариқасида тайинладиган жазо тури ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси қабул қилинган вақтда мол-мулкни мусодара қилиш тариқасидаги қўшимча жазо ҳам назарда тутилган эди.

Ўзбекистон Республикасининг "Жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят - процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш

ҳақида"ги 2001 йил 29 августда қабул қилинган қонунига биноан мол-мулкни мусодара қилиш жазоси ЖКнинг 43-моддасидан ва ЖК Махсус қисмининг барча моддалари санкциясидан чиқариб ташланди³⁶.

Жиноят учун асосий жазодан ташқари яна қўшимча жазо ҳам тайинлашдан мақсад нима? Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддаси 2-қисмида жазонинг мақсади белгиланган бўлиб, бизнинг фикримизча асосий жазога ҳам, қўшимча жазога ҳам бирдек тегишлидир.

Юридик адабиётларда қўшимча жазолар ва уларни тайинлаш шартлари ҳақида бир қатор олимлар тадқиқот ишлари олиб борган бўлсаларда, у тадқиқотлар 1959 йилда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган ЖКда назарда тутилган қўшимча жазолар юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилган эди³⁷. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодекси бўйича қўшимча жазолар ва уларни тайинлаш шартлари тўғрисида монография даражасида деярли тадқиқот олиб борилмади. Бизнинг ушбу ишимиз қўшимча жазоларни тадқиқ қилиш эмас, бу мавзу алоҳида тадқиқотнинг объекти ҳисобланади. Аммо биз таҳлил қилаётган мавзу бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлаш бўлгани боис, шубҳасиз бир қанча жиноятлар юзасидан қўшимча жазо тайинлаш ҳам бўлади. Шунини ҳисобга олиб бир қанча жиноятлар юзасидан жазо тайинлаш вақтида қўшимча жазо тайинлаш масаласини ҳам қисқача баён қилишни лозим топдик.

Юридик адабиётларда асосий ва қўшимча жазолар ҳар хил бўлсада, уларни битта жиноятлар учун бир вақтда тайинланиши улар мақсадининг ягоналигини билдиради деб таъкидланади³⁸.

И.М.Гальперин, Ю.Б.Мельниковлар асосий жазога қўшимча жазони ҳам қўшиб тайинланиши жазони индивидуаллаштиришнинг кенг имкониятларини бериш билан бирга, жиноят содир қилишда айбланаётган шахсга нисбатан кенг даражадаги таъсир қилиш чораларини танлаш ҳамда содир этилган жиноятнинг ижтимоий жавобгарлик даражасини, айбдорнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда жазо тайинлаш имкониятини беради",- деб ёзадилар³⁹. Биз ҳам уларининг фикрлариға қўшилаемиз ва маълум даражада жазони кучайтиради деб ҳисоблаймиз. Бу масалада А.Л.Цветинович "қўшимча жазонинг бош функцияси -жазони индивидуаллаштиришни таъминлаши қўшимча ҳуқуқий чеклашни қўллаш орқали кучайтиришдан иборатдир", - деб ёзади⁴⁰.

³⁶ «Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 18 октябр сони.

³⁷ Масалан, Гальперин И.М., Мельников Ю.Б. Дополнительнѐе наказания. М., Юр.лит., 1981; Дуюнов В.К. Система дополнительнѐх наказаний. Изд.во. АН Киргиз. ССР. 1982. №6, 63-70-бетлар. Дуюнов В.К. Цветинович А. Дополнительнѐе наказания: теории и практика. Фрунзе: «Илим», 1986; Каграманов А.Г. О цели дполонительнѐх наказаний по советскому уголовному праву. «Обществѐннѐе науки в Узбекистане. 1982. №7, 41-43-бетлар ва бошқалар.

³⁸ Цветинович А.Л. Дополнительнѐе наказания. Изд-во. Саратовского Университета. 1989, 17-бет.

³⁹ Галперин И.М. Мельников Ю.Б. Дополньиетльнѐе наказания. М., Юр.лит., 1981, 120-бет.

⁴⁰ Цветинович А.Л. Дополнительнѐе наказания. Изд-во. Саратовского Университета. 1989, 21-бет.

Шундай қилиб, қўшимча жазо - қонунда назарда тутилган жиноий жавобгарликни индивидуаллаштириш имконини берувчи ёрдамчи чора бўлиб суд томонидан асосий жазога қўшимча сифатида тайинланадиган, маҳкумни ахлоқ тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш, маҳкум томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида тайинланадиган, шахсининг алоҳида хусусиятларига таъсир этувчи давлатнинг мажбурлов чорасидир.

Қўшимча жазо тайинлашнинг алоҳида шартлари борки ана шу шартлар мавжуд бўлсагина қўшимча жазо тайинланиши мумкин. Булар қуйидагилар:

1. Қўшимча жазо асосий жазодаи оғир бўлмаслиги керак. Масалан, икки йил ахлоқ тузатиш иши жазосига қўшимча жазо сифатида тайинланган икки йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси енгилроқ ҳисобланади. Бундай ташқари, ЖКнинг 43-моддасида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш "б" бандида ахлоқ тузатиш иши эса оғирроқ жазо сифатда "в" бандида жойланган.

2. Асосий жазо билан қўшимча жазо бир хил бўлмаслиги керак. Масалан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий жазо сифатида тайинланган бўлса, бу жазо айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган модданинг санкциясида қўшимча жазо сифатида тайинлаш мажбурий тарзда кўрсатилган тақдирда ҳам қўшимча жазо сифатида тайинланиши мумкин эмас. Айтиш керакки, жазонинг қайси тури оғир ёки енгиллиги қонунда белгиланган муддатлар билан эмас, балки маҳкумга нисбатан унинг ҳуқуқини чекланиш даражасига боғлиқ. Масалан, жарима жазоси 43-моддасида назарда тутилган энг енгил жазо тури бўлсада, бу жазо муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишга нисбатан шахсга кўпроқ мусибат келтира олади.

Жиноят кодексида назарда тутилган жазоларнинг фақат муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазоларигина қўшимча жазо сифатида тайинланиши мумкин...

Агар шахсининг қилмиши ЖК Махсус қисмининг битта моддаси билан квалификация қилинган бўлса, шахсга нисбатан битта асосий жазо ва агар тайинлаш зарур бўлса, битта қўшимча жазо тайинланади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий жазо сифатида тайинланганда шу жазодан бошқа ҳар қандай жазога қўшимча жазо сифатида тайинланиши мумкин.

Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш фақат оғир ёки ўта оғир жиноят содир қилинган бўлсагина ва жинояти бўйича ушбу унвондан маҳрум қилишни суд лозим топсагина қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин.

Айбдорнинг қилмиши ЖК Махсус қисмининг бир қанча моддаси билан жавобгар қилинган бўлса, унинг бир ёки бир қанча жиноятлари учун асосий ва қўшимча жазолар

тайинланиши мумкин. Шахс бир қанча жиноятлар учун жавобгар қилинаётган бўлса, қўшимча жазони ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида тайинлаш вақтида тайинлаш керакми ёки қатъий жазо тайинланганидан кейин тайинлаш керакми деган савол туғилади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги "Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 9.6-бандида, Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида кўзда тутилган бир қанча жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсга қўшимча жазо асосий жазоларни тайинлаш сингари, даставвал ҳар бир ҳаракат учун алоҳида-алоҳида, сўнгра жиноятлар жами учун тайинланиши керак, - деб тушунтириш берилган⁴¹. Демак, айбдорнинг қилмиши бир қанча модда билан квалификация қилинган бўлса, унинг жиноятларининг қайси бирига қўшимча жазо тайинлаш масаласи, қонунга мувофиқ равишда иш ҳолатларига қараб ҳал қилинади.

Бир қанча жиноятлар учун асосий жазо тайинлашда 61-модданинг қоидаларига амал қилинган ҳолда қўшиш мумкин бўлган жазолар қисман ёки тўла қўшиш орқали қатъий жазо тайинланади, қўшиш мумкин бўлмаган жазолар алоҳида-алоҳида тайинланади. Бу қоида қўшимча жазолар тайинлашга ҳам татбиқ қилинади, Битта жиноят учун биттадан асосий ва қўшимча жазо тайинланиши мумкин. Масалан, шахс қилмишларининг бири учун жарима, иккинчиси учун ахлоқ тузатиш ишлари тайинланган бўлса, қатъий жазо сифатида ҳам ҳар иккаласи қўшилмасдан алоҳида-алоҳида тайинланади. Шахснинг қилмишларининг бири учун транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш иккинчи жинояти учун аниқбир вазифа билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тайинланган бўлса, бу қўшимча жазоларга нисбатан тўла ёки қисман қўшиш қоидалари қўлланилмайди ва улар алоҳида-алоҳида тайинланади. Бунда ҳар иккала қўшимча жазонинг муддати уч йилдан кўп бўлиши мумкин эмас. Чунки қонунда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазо тарикасида фақат уч йилгача муддатга тайинланиши мумкин.

Агарда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазолари айнан бир хил бўлса, бу масала қандай ҳал қилинади деган савол туғилади. Бу масалада юқорида номи зикр этилган Пленум қарорининг 9.6-бандининг 2-қисмида "Агар жиноятлар жамига кирувчи икки ва ундан кўп жиноятлар учун айнан бир турдаги қўшимча жазо тайинланган бўлса, унинг қатъий миқдори уларни тўла ёки қисман қўшиш орқали ушбу жазо тури ёки белгиланган энг кўп муддат доирасида белгиланади", - дейилади⁴². Демак, тайинланган қўшимча жазолар айнан бир хил бўлса, алоҳида — алоҳида ижро этилмай, тўла ёки қисман қўшиш орқали қатъий қўшимча жазо тайинланади. Масалан, айтайлик, айбдорнинг битта жинояти учун икки йил, иккинчи жинояти учун ҳам икки йил транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазолари тайинланган бўлса, қисман қўшиш орқали уч йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилишни қатъий муддати тайинланади.

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумини қарорларининг тўплами. 1991-1997, Т., 1997, 54-бет.

⁴² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумини қарорларининг тўплами. 1991-1997, Т., 1997, 54-бет.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, озодлиқдан маҳрум қилиш ёки қамоқ жазосига қўшимча жазо сифатида тайинланган бўлса, асосий жазонинг бутун муддатига жорий қилиниб, суд ҳукми билан тайинланган муддатни ҳисоблаш эса асосий жазони ўтаб бўлганидан кейин бошланади. Бошқа турдаги жазоларга қўшимча жазо тариқасида тайинланган бўлса ёки шартли ҳукм қилинган бўлса, қўшимча жазо ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ижро этилади.

III. БОБ. БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАНЛИК БЎЙИЧА ЖАЗО ТАЙИНЛАШНИНГ БИР ҚАНЧА ҲУКМЛАР ЮЗАСИДАН ЖАЗО ТАЙИНЛАШДАН ФАРҚИ.

Агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддати тўла ёки қисман қўшиб қатъий жазо тайинлайди. Лекин суд амалиётини ўрганишдан маълум бўлишича судда кўрилаётган жиноят ишларининг кўпчилигида айбдорнинг қилмиши Жиноят кодексининг бир қанча моддаси билан квалификация қилинган бўлади. Бундай ҳолда жазо тайинлаш масаласи қандай ҳал қилиниши керак деган ҳақли савол туғилади. Шунинг эътиборга олиб Жиноят кодексининг 59-моддасида бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлаш қоидалари ишлаб чиқилган. Шундай экан, бир қанча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш, бир қанча жиноят содир этилганлик учун жазо тайинлашдан қандай белгиларига кўра фарқ қилади.

Иккала ҳолатда ҳам бир қанча жиноят содир этилади. Улар бир қанча жиноят содир этишнинг турлари ҳисобланади. Аммо жазо тайинлашда ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Бир қанча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш қоидалари ЎзР ЖКнинг 59-моддасида кўрсатилган бўлиб, шахс Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, суд ушбу Кодекснинг 54-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ, ЖКда назарда тутилган ҳаракатлар содир этганлиги учун жиноятлар мажмуини белгилашда жавобгарлик шу модданинг оғирроқ жазо назарда тутилган қисми бўйича юзага келади, дейилади.

ЖКнинг 59 ва 60-моддаларида назарда тутилган бир қанча жиноятлар ва бир қанча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашнинг фарқи қуйидагиларда ифодаланади:

1. Бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлашда шахс икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиб улардан бирортаси учун ҳам ҳали судланмаган бўлади. Бир қанча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашда эса, шахс дастлабки жинояти учун ҳукм чиқарилганидан кейин, то жазо муддати тамош бўлмасдан янги жиноят содир этганлиги учун жазо тайинланади.
2. Бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлашда шахсга нисбатан тайинланган озоддикдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати йигирма йилгача, бир қанча ҳукмлар юзасидан тайинланганда эса йигирма беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин.

3. Бир қанча жиноятлар содир этилганда шахс рецидивист, хавфли рецидивист, ўта хавфли рецидивист деб топилмайди. Бин нече ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашда шахсга нисбатан хавфли рецидивист сифатида жавобгарликка тортилиб ҳукм қилиниши ёки суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкин.

4. Агар жиноятлар жами, жиноятларнинг идеал жами шаклида бўлса айбдорга жазо тайинлашда жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланмаслиги мумкин. Бир қанча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашда эса ЖК 56-моддаси биринчи қисмининг "Н" бандига кўра оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланиб, жазо тайинланади.

5. Агар бир қанча жиноятлар жиноятнинг идеал жами шаклида бўлса, жиноят қонунида назарда тутилган жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш қўлланиши мумкин. Бир қанча ҳукмлар бўйича жазо тайинланганда эса, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш қўлланилмайди.

Юридик адабиётларда бир қанча жиноятлар ёки бир қанча ҳукмлар деб ҳисоблаш масаласида ҳам турли фикрлар билдирилган.

Бизнинг фикримизча, биринчи ҳукмгача содир этилган барча жиноятлар жиноятларнинг жами тариқасида, биринчи ҳукм ўқилгандан кейин жиноят содир этилган бўлса, бир қанча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш қоидаларидан фойдаланиш керак бўлади.

Агар иш бўйича ҳукм чиқарилгандан сўнг маҳкумнинг биринчи иши бўйича чиқарилган ҳукмгача яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланса, жазо бир қанча жиноятлар юзасидан тайинланиши керакми ёки бир қанча ҳукмлар юзасидан тайинланиши керакми деган савол туғилади. Бу саволга ЎЗР ЖКнинг 59-моддасида жавоб берилган. Бунда "Агар иш бўйича ҳукм маҳкумнинг биринчи иши бўйича чиқарилган ҳукмгача яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланса, ҳам жазо ўша (яъни 59-моддада белгиланган) тартибда тайинланади" - дейилади. Шундай экан, бу ерда ҳар иккала жиноятларнинг ҳам биринчи ҳукмгача содир этганлиги эътиборга олинган.

Агар биринчи ҳукмдан кейин шахс икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этиб, уларнинг бирортаси учун ҳам ҳали судланмаган бўлса, жазо тайинлаш тартиби қандай хал қилинади?

Бизнинг фикримизча, бундай ҳолда аввал биричи ҳукмдан кейин содир этилган жиноятлар учун 59-модда қоидаларини қўлаб, бир қанча жиноятлар учун қатъий жазо тайинлангандан кейин, олдинги ҳукм бўйича жазонинг ўталмай қолган қисмини кейинги ҳукм бўйича бир қанча жиноятлар юзасидан тайинланган қатъий жазога қисман ёки тўла қўшиш орқали қатъий жазо тайинланади.

Шундай қилиб, бир қанча Жиноятлар бир қанча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш юқорида айтилган фикрларга кўра бир-биридан фарқ қилади.

ХУЛОСА

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинди. Республикамиз мустақиллик боис ҳуқуқий – демократик давлат барпо этиш вазифаларини бажаришга киришиб, шахдам қадам ташламоқда. Бу йўлда эса «...ҳар бир фуқаро деб таъкидлайди президентимиз И.А.Каримов, - ҳар бир ақли расо инсон каби ўз ҳақ ҳуқуқини яхши билиши ва уни химоя қила олиши зарур, одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислохот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъи ҳаракатларимиз бесамар катаверади».

Жиноий жазони содир қилишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қўлланадиган мажбурият чораси бўлиб, жиноят учун жазо тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ фақат судга тегишлидир. Суд ҳукми билан тайинланган жазонинг адолатли бўлиши, жиноят содир этган шахснинг айби даражасига мос бўлиши маҳкумга нисбатан тайинланган жазонинг мақсадига тезроқ эришишнинг муҳим омили бўлиши билан бирга, жиноят қонунини одиллик принципини амалга оширишнинг муҳим шартидир.

Жазодан у бериши мумкин бўлмаган натижани қўллаш мумкин эмас. М.Д Шаргородский «Муайян ижтимоий муносабатлар туғдириб турадиган жиноятчиликнинг у йўқота олмайди, аммо у муайян ижтимоий шароитда жиноятчиликка таъсир қилиш, жиноятчиликни ўз ишига тўсқинлик қилиш, камайишига таъсир қилиши мумкин» - дейди. Жиноят ҳуқуқининг тўла қонли шаклланиши ва ривожланишида бир қанча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш институтининг роли катта. Бир қанча жиноят юзасидан жазо тайинлаш мавзуси мавжуд дарсликларда, шарҳларда ва баъзи илмий мақолаларда ёритилган бўлсада, аммо жиноят ҳуқуқи фанининг чуқур ва атрофлича тадқиқот объекти сифатида ёритилмаган мунозарали муаммолари сирасига киради. Алоҳида монографик тадқиқотлар мавжуд эмас.

Ушбу мавзунинг мазмунини очиб бериш мақсадида махсус адабиётларни, судларнинг жазо тайинлаш амалиётини маълум даражада ўрганиш натижасида айрим фикр ва мулохазалар вужудга келдики уларни қисқа хулоса қилиб баён қиламан.

Биринчидан, менинг фикримча Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддасида бир қанча жиноятларнинг тушунчаси ва назарий асослари, 59-моддасида эса бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлаш қоидалари назарда тутилган. Ана шу иккита модданинг мазмунини таҳлил қилиш ва солиштириш орқали, бир-бирига тўла мос келмайдиган

жиҳатларини кўриш мумкин. Жумладан, ЖКнинг 33-моддасида "Ушбу кодекс Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жавобгарликка тортиладиган икки ёки ундан ортиқ бир қанча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади", - дейилади. Демак, фақат турли моддаларда назарда тутилган, балки битта модданинг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларни содир қилиш ҳам жиноятлар жамини ташкил этади. Лекин Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасида эса фақат Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган жиноятлар содир отилган бўлсагина бир қанча жиноят учун жазо тайинлаш қоидаларини қўллаб жазо тайинлаш лозимлиги ҳақида ёзилган.

Натижада судлар битта модданинг турли қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жазо тайинлашда айрим ҳолларда хатога йўл қўймоқдалар. Ана шундай хатоларга йўл қўйилишини олдини олиш ва 33 ва 59-моддаларнинг мазмунан бир-бирига мос келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59- моддасининг 1-қисмини "Махсус қисмининг турли моддаларига" деган сўзлардан кейин "битта моддасининг турли қисмларида" - деган сўзлар билан тўлдирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иккинчидан, бин қанча жиноят юзасидан жазо тайинлаш амалиётини таҳлил қилганимизда 85,8% ишда жиноятлар мажмуининг ташкил қилувчи қилмишлар учун фақат бир хил турдаги жазо тайинланган бўлса, 17,2%да ҳар хил турдаги жазолар тайинланган бўлиб, уларнинг барчаси озодликдан маҳрум қилиш билан биргаликда тайинланган.

Жумладан, жиноятлар мажмуини ташкил қилувчи қилмишлар учун фақат озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш 62,4%ни ташкил этган бўлса, фақат ахлоқ тузатиш иши жазосини тайинлаш 16%ни, фақат қамоқ жазосини тайинлаш эса 0,4%ни, фақат жарима жазосини тайинлаш 4%ни ташкил этган, ҳолос.

Юқоридан кўринадики, бир қанча жиноятлар юзасидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш миқдори анча юқори бўлиб, таҳлил этилган жиноят ишларининг 44,2%да ушбу жазонинг муддати 6 йилдан 10 йилгача, 26,9%да 11 йилдан 15 йилгача ва 7,2%да 15 йилдан юқоридир. Албатта, бир қанча жиноятни ташкил қилувчи қилмишлар оғир ёки ўта оғир жиноят бўлгани учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш тўғри бўлади. Аммо жиноятлар мажмуини ташкил қилувчи қилмишлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар бўлгани ҳолда ҳам кўпроқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш жиноятчиликка қарши қураш сиёсатида инсонпарварлик ғояларига тўғри келмайди. Бу эса ўз навбатида бир қанча жиноятлар юзасидан ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш қоидаларини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Учинчидан, суд амалиётида айрим ҳолларда айбдорнинг қилмиши бир қанча жиноятларда айбланиб, жазоларнинг муддати жуда қисқа бўлганлиги туфайли ўша жазонинг қонунда кўрсатилган муддатлари доирасида тайинланган жазога тайинланган бошқа жазоларнинг фақат оз қисмини қўшишга, ҳатто айрим ҳолларда ҳеч бўлмаганда бир қисмини тайинлашнинг иложи бўлмай қолади. Шунинг учун судларга айрим ҳолларда қисман қўшиш ёки тўла қўшишнинг иложи бўлган ҳолда жазони қоплаш орқали тайинлаш мумкин бўлган имкониятини бериш керак. Чунки қонунда жазонинг енгилроғини оғирроғи билан қоплаш назарда тутилмаганлигига қарамасдан, 97-модданинг 2-қисми ва бошқа моддалар билан ҳукм қилинганда бошқа жазолар ўлим жазоси билан қоплаб тайинланмоқда.

Ҳамдўстликка кирувчи мамлакатларнинг жиноят қонунларида жазонинг енгилроғини оғирроғи билан қоплаб жазо тайинлаш мумкинлиги назарда тутилган. Масалан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 69-моддаси (Бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлаш) 2-қисмида жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинган жиноятлар унча оғир бўлмаган жиноятлар бўлса, қоплаш орқали жазо тайинлаш мумкинлиги белгиланган.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси 3-қисмида бир қанча жиноятлар ахлоқтузатиш ишларига ёки хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилиниб, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг ҳар хил миқдори белгиланган ҳолларда бу жазоларнинг фақат муддатлари қўшилади - дейилган. Буни қуйидагича тушуниш мумкин: айбдорнинг битта жинояти учун икки йил ахлоқтузатиш иши ва иш ҳақининг 15%ини, иккинчи жинояти учун икки йил ахлоқтузатиш ишлари ва иш ҳақининг 20%ини ушлаб қолиб, жиноятлар жами тариқасида қисман қўшиш орқали уч йил ахлоқ тузатиш ишлари тайинланса, жазонинг бир йили мобайнида 15%и, қолган икки йили мобайнида 20%и ушлаб қолинади деганидир. ЖКнинг 59-моддасида эса бундай қоида назарда тутилмаганлиги сабабли судлар ахлоқтузатиш ишларининг муддати ва фоизини ҳам қўшмоқдалар. Демак, бир қанча жиноятлари учун ахлоқтузатиш ишларига ҳукм қилинганларнинг ахволи бир қанча ҳукм юзасидан ахлоқ тузатиш жазосига ҳукм қилинганларнинг ахволidan оғир бўлиб қолмоқда. Аслида бунинг акси бўлиши керак. Чунки бир қанча жиноятлар юзасидан жазо тайинлашга нисбатан бир қанча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш оғирроқ бўлиши керак. Шуларни назарда тутиб, 60-моддада назарда тутилган юқорида айтилган қоидани ЖКнинг 59-моддасида ҳам назарда тутиш тақлиф қилинади.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 3-қисмининг охириги жумласида "жиноятлар мажмуи тариқасида суд томонидан тайинланган жазо муддати

биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталган қисми қўшилади" дейилади. Амалда ҳеч қачон бундай бўлиши мумкин эмас. Чунки 59-модда бўйича жазо тайинланганда фақат ўталган қисми қўшилмай ҳар икки ҳукм юзасидан тайинланган жазолар биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазонинг қанчаси ўтаб бўлинганидан қатъи назар тўла ёки қисман қўшиш орқали қатъи жазо тайинланади. Ушбу нормани бошқа таҳрирда қабул қилиб ўтирмай "...биринчи ҳукм бўйича жазонинг ўталган қисми "ҳам" қўшилади" деб қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ф О Й Д А Л А Н Г А Н А Д А Б И Ё Т Л А Р Р Ё Й Х А Т И

1. Раҳбарий адабиётлар

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. Т., «Ўзбекистон», 1992 й.
- 1.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1994 й.
- 1.3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т., «Ўзбекистон», 1997 й.
- 1.4. Каримов И.А. Қонун ва адолат устиворлигининг ҳаётбахш манбаи. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Президент И.А.Каримовнинг Конституция кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи», 1998 йил, 6 декабр.
- 1.5. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т., «Ўзбекистон», 1999 й.
- 1.6. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Асарлар тўплами, 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999 й.
- 1.7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. «Халқ сўзи», 1999 йил 15 апрель.
- 1.8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Асарлар тўплами, 8-том. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
- 1.9. Каримов И.А. Адолат – қонун устиворлигида. «Халқ сўзи», 2001 йил 30 август.
- 1.10. Каримов И.А. Одамлар ташвиши билан яшаш – олий бурч. «Халқ сўзи», 2001 йил 12 сентябрь.
- 1.11. Каримов И.А. Конституция – юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий асоси. «Халқ сўзи», 2003 йил 6 декабрь.
- 1.12. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Асарлар тўплами, 11 том. Т., «Ўзбекистон», 2003 й.
- 1.13. Каримов И.А. Эл-юрт ташвиши билан яшаш ва ишлаш асосий мезон. «Халқ сўзи», 2004 йил 16 октябрь.
- 1.14. Каримов И.А. Қонун ва адолат устиворлиги эркин ва фаровон ҳаёт калитидир. «Халқ сўзи», 2004 йил 18 сентябрь.
- 1.15. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. «Халқ сўзи», 2005 йил 29 январь.
- 1.16. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2005 йил 8 декабрь. № 241.
- 1.17. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. –280 б.
- 1.18. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. –320 б.
- 1.19. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. –368 б.
- 1.20. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. –48 б.
- 1.21. Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. –48 б.
- 1.22. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – 174 б.
- 1.23. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
- 1.24. Каримов И.А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. –24 б.
- 1.25. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устувор мақсадимиздир”/Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон

2. Норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар

- 2.1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., “Адолат”. 2008 йил
- 2.2 Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. Т., “Адолат”. 2009 йил
- 2.3 Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. Т., “Адолат” 2001 йил
- 2.4 Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Т., “Адолат” 1997 йил
- 2.5 Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида” ги 2-сонли қарори.
- 2.6 “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг жиноят жиноят процессуал кодекслари, ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2001 йил 29 август.
- 2.7 Сборник Постановлений Пленума Верховного суда СССР 1924-1986. М., 1987.
- 2.9 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 йил 1-жилд.
- 2.10 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленум қарорларининг тўплами. 1991-1997 йил 2-жилд.
- 2.11 “Қонун номи билан” Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг ахборотномаси. 1996 йил, 1, 2- сонлари.

3. Махсус адабиётлар:

- 2.1 Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар Т., “Ўзбекистон”, 1997 йил Российское уголовное право. Общая часть. Учебник. М., СПАРК, 1997 йил
- 2.2 Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Т., 1998 йил
- 2.3 Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Т., 2000 йил
- 2.4 Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Т., 2003 йил
- 2.5 Уголовное право. М., “Норма” 2001 йил
- 2.6 М.Х.Рустамбоев Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) - Т.: “Илми зиё”, 2005 йил.
- 2.7 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар (Умумий қисм) - Т.: “Илми зиё”, 2006 йил.
- 2.8 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар (Махсус қисм) - Т.: “Илми зиё”, 2006 йил.
- 2.9 М.Х.Рустамбоев, Тоҳиров.Ф Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм схемалар). Ўқув қўлланма. - Т.: Янги аср авлоди 2002 йил.
- 2.10 М.Х.Рустамбоев, Тоҳиров.Ф, Эркаходжаев.А.К Жиноят ҳуқуқи (Махсус қисм) Дарслик. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси 2000 йил
- 2.11 М.Х.Рустамбоев, Тоҳиров.Ф Жиноят ҳуқуқи (Махсус қисм схемалар). Ўқув қўлланма. - Т.: Янги аср авлоди 2004 йил.
- 2.12 М.Усмоналиев Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Дарслик. - Т.: Янги аср авлоди 2005 йил.
- 2.13 М.Усмоналиев Жазо тайинлаш.Ўқув қўлланма. - Т.: Янги аср авлоди 2005 йил.
- 2.14 Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи.Тошкент. “ИЛМ ЗИЁ”, 2006.Б-412.;
- 2.15 Рустамбоев М.Х. Курс уголовного право Республики Узбекистан.Общая часть. Том 1: Учение о преступление.Учебник для ВУЗов.-Т.: Издательство «ТГЮИ» 2009. с-479.;
- 2.16 Рустамбоев М.Х. Курс уголовного право Республики Узбекистан.Общая часть. Том 2: Учение о наказание.Учебник для ВУЗов.-Т.: Издательство «ТГЮИ» 2009. с-448.;
- 2.17 Ражабова М.А. “Жиноий жазоларни либераллаштириш”. Тошкент “Адолат”. 2005

йил.;

2.18 М.Ҳ.Жиянов. Бир қанча жиноят содир этганлик учун жавобгарлик.
Фарғона. 2002 йил

2.19 Яковлев А.М, Совукупность преступности. М., 1960.

2.20 Дагель П.С. Множественность преступности. Владивосток. 1969.

2.21 Ткаченко М.И. Множественность преступностей. Уголовное право Российской Федерации. Часть 6. общдя. М., «Юрист», 1999,

2.22 Жиноятчиликка қарши курашнинг кримнологик чоралари. Т., “Ўзбекистон ”
1995 йил